БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН | № 203 (16.589). | 31 август, 1976 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Москва районидаги «Ленинград» колхози галлакорлари маккажўхорининг «ВИР-338» навидан юқори ҳосил етиштиришди. Хўжалик меҳнат аҳли бу йил гектаридан камида 100 центнердан маккажўхори дони олишга аҳд қилишган. Хўжалик далаларида иккита комбайн унумли ишлаб турибди. Улар билан 12-14 гектар майдондаги маккажўхори ҳосили йиғиштириб олиняпти. Маккажўхорикорлар ўрим-йиғимни 7 иш кунида тугаллашни мўлжаллашган эди. Йиғим-терим бугун-эрта ниҳоясига етказилади. Суратда: колхоз халқ контроли группаси аъзоси (чапда) Абдупатто Абдуллаев ҳамда партия комитетининг секретари Барат Тожибоев ўртоқлар ўрилаётган маккажўхори сифатини кўздан кечиришаётир.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ РЕЖАЛАР

Ҳосилдорликни 35 центнерга кўтарамиз. Ялпи ҳосилнинг 90 тин» тайёрлаймиз. 3880 гектар майдоннинг 3400 гектарини шинанинг мавсумдаги иш унумини ўтган Съездлар йилида 13 минг тонна «оқ олтин» тайёрлашга Ромитан районининг бошқа хўжаликларида ҳам пахтаюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган Совхозимиз коллективи Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга «Октябрь 50 йиллиги» совхози коллективи тан район партия комитети маъқуллади. та йиғим-теримини ташкилий жиҳатдан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Совхозимиз коллективи астойдил меҳнат қилиб, 3.880 гектар майдоннинг ҳаммасида пахтадан юқори ҳосил етиштирмоқда. Бу йил гектаридан олинадиган ҳосилни 35 центнерга кўтаришга аҳд қилганмиз. «Оқ олтин» меҳнат билан етиштирилар экан, биз эзгу ниятимизга етамиз, албатта, шуни кўзлаб саккиз ойдан буён далаларда пешана тери тўкиб келяпмиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг пахта йиғим-теримини тез ва соз ўтказиш ҳақидаги қарорини атрофлича муҳокама қилиб, ишимиздаги ютуқлар ва камчиликларни яна бир бор таҳлилдан ўтказдик. Қарор эълон қилингандан буён ўтган даврда анчагина ишлар қилдик. Жумладан, нисбатан камҳосилли 1500 гектар майдоннинг ғўзаларини юқори ҳосилли ғўзалар даражасига етказиб олдик. Ҳамма майдондаги ғўзаларни «шарбат»га қондирдик. Бегона ўтларни тўла тугатдик.

Лекин бу билан чекланаётганимиз йўқ. Ғўза парваришини кучайтиряпмиз. Пахта пайкалларида культивация ўтказиляпти, сувчиларимиз ғўзаларни қондириб суғоряпти, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши профилактик чоралар кўриляпти. Пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли шу кунгача ҳар туп ғўзада 14—15 та тўқ кўсак бунёдга келтирдик. Эндиги вазифа — ҳосил ёнига ҳосил қўшишни давом эттириш, кўсакларни тезроқ очилтириб олишдан иборат. Парваришни беш-ничи сентябргача давом эттирамиз.

Республика партия ва ҳукуматининг қарори асосида теримга тайёргарлик ишларини кучайтирмоқдамиз. 3.400 гектар майдоннинг ҳосилини машиналарда териб олишни режалаб қўйдик. Ана шу майдонлар ажратилиб, четига белгилар қўйилди. Далаларимизда 95 та «зангори кема» икки сменада ишлатилади. Ҳар бир машинани икки механик-ҳайдовчи бошқаради. Машиналарнинг мавсумдаги иш унумини ўтган йилдагига нисбатан 50 процент кўтарамиз.

Бундай дейишимизга асос бор. Машиналарни сифатли ремонтдан чиқариб қўйдик, айни кезда синовдан ўтказиб, нуксонларини бартараф этдик. Механик-ҳайдовчиларимиз ўзаро мусобақа боғлашди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Раҳим Нарзуллаев ўттиз иш кунида 400 тонна пахта териш ташаббусини бошлади, Турди Гадоев, Мукаррама Фузаилова, Қаландар Жумаев, Музаффар Тохиров каби механизаторларимиз ҳам ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Шуни алоҳида таъкиллаймизки, бу йил машина терминги ўттиз-ўттиз беш иш кунида тугаллаймиз, икки теримда план ва социалистик мажбуриятни бажарамиз.

Маълумки пахтачиликда дала ишларининг олтмиш процентини терим ташкил қилади. Барча турдаги техника воситалари сафарбар этилгандагина терими қасқа фурсатда ўтказиш мумкин. Шуни назарда тутиб, 54 та кўсак узиш ва чувиш агрегатлари, 13 та подборщикини ҳам тахт қилиб қўйдик. Зарур топилган кезда ўша механизм-агрегатларни ҳам тўла қувват билан ишлатамиз, шунга етарли малакали механизаторлар тайёрлаганмиз.

Биз самарадорлик ва сифатни бош мезон қилиб қўйдик. Машиналарда терилган «оқ олтин»ни фақат биринчи сортларга топширамиз. Бунинг учун дефолиация энг яхши агротехника муддатида ўтказилиши керак. Бегона ўтлар мутлако бўлмаслиги лозим. Машиналар айланадиган майдончалар олдиндан тайёрлаб қўйилиши, ҳар бир машинага тўрт-бешта тележка биркитилиши талаб қилинади. Ҳозир химикатларни ташиб бўлдик, қайси карталарда қачон дефолиация ўтказилишини аниқлаб олдик. Граждан авиациясининг самолётлари кўнадиган майдончалар тайёрлаб бўлинди. Шуни ҳам айтиш керакки, самарадорликни ошириш мақсадида 1500 гектар ерининг ғўзаларига қўл аппаратлари воситасида дори сепамиз.

Ўтган йили дефолиация ўтказишда баъзи нуқсонларга йўл қўйилган эди. Натижада барларнинг тўкилиши кечикди. Бу эса теримнинг чўзилиб кетишига сабаб бўлди. Қарор муҳокамаси давомида химизаторлар ва бошқа мутахассисларнинг эътиборини ана шу масалага қаратдик. Бу йил бир марта дори сепиш билан ҳамма баргнинг тўла тўкилишини таъминлаймиз. Шу кунларда ҳар туп ғўзада икки-учта кўсак очилди. Яқин кунларда дефолиацияни бошлаб, узоғи билан бир ҳафтада меъёрига етказамиз.

Машиналарни группа усулида ишлатамиз. Ҳар группада 5—6 машина бўлади. Шундай қилинганда механик-ҳайдовчиларнинг талаби билан зарур топилган пайтда техника хизмати кўрсатиш мумкин. Ундан ташқари механик-ҳайдовчилар бир-бирларининг ишини назорат қилиб борадилар, тележкаларни алмаштириб туриш имконияти яратилди.

Йиғим-теримда суръат бош роль ўйнайди. Ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, суръатни ошириш чораларини кўрамиз. Дастлабки кунларда йиллик планнинг 3—4 процентига миқдорида пахта тайёрлаймиз, машиналар ишга туширилиши билан суръатни 8—10 процентга кўтарамиз. Сортнинг юқори бўлишига алоҳида эътибор берамиз. Терилган пахтанинг хирмон жойларда уюлиб қолишига асло йўл қўймаймиз. Шу мақсадда машиналар билан тележкалар қатновини тартибга солиб, бир-бирига уйғунлаштириб борамиз.

Совхозимиз партия ташкилоти терим даврида меҳнаткашлар орасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларнинг кенг программасини тузиб чиқди. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳам аниқ режалар белгилади. Мақсад битта—теримда бугун кечагидан, эртага бугунгидан юқори иш унумига эришиб, борлиқ ҳосилни сира нобуд қилмасдан қисқа фурсатда йиғиб-териб олиш. давлат пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажаришдан иборат. Бунга ҳалол меҳнат биён эришамиз.

Одамларимизнинг кайфияти яхши, куч-ғайрати кун сайин ошиб бормоқда. Ҳамма меҳнат интизомига тўла риоя қилмоқда. Теримга тараддуд ҳамма ва ҳар бир пахтакорнинг шарафли ишига айланди. Теримчиларимиз, механик-ҳайдовчиларимиз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Терим даврида меҳнаткашларга яхши маданий-маиший шароитлар яратилди. Илғорларга кўчма Қизил байроқлар, пул мукофотлари, кимматбаҳо саноат моллари берилади. Ялпи ҳосилнинг 95 процентини машиналарда теришни таъминлаган бўлим бошқарувчилари бир ойлик маоши миқдорида пул мукофоти олади. Бригадалар ўртасида ҳам қолиблик учун кураш қизитилади. Социалистик мусобақа бутун терим давомида қудратли воситага бўлади, ҳар беш кунда якун ясалиб, илғорлар номи эълон қилиб турилади.

Пахта терими бутун жамоатчилик ишидир, бу ишдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмас. Ҳамма дала ишларида актив қатнашиб, 13 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёдга келтиришимизга ўз улушини қўшиши лозим. Савдо, медицина, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг коллективлари ҳам яхши режалар белгилаб олдилар. Болалар муассасалари ишини тубдан яхшилаш диққат марказимизда бўлмоқда. Дала шийпонлари қайта жиҳозланиб, меҳнаткашларнинг иккинчи уйига айлантирилмоқда.

Бугун шуни ошкора айтамизки, ғўза парваришини бешинчи сентябргача давом эттирамиз, теримга ҳамма нарсани шай қилиб қўямиз. дефолиацияни сифатли ўтказамиз. машиналарни бултургидан анча олдин ишга туширамиз. 13 минг тонналик пахта хирмонига октябрь ойининг ўрталарида ғалаба байроғи тикамиз.

Ҳамро САИДОВ — Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози директори, Мидроб ҚОСИМОВ — партия комитети секретари, Қудрат КАМОЛОВ — ишчилар комитетининг раиси, Қўлдош СУЛТОНОВ — бош агроном, Ҳалим ГАДОЕВ — бош инженер.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЗҒИН

Оққўрғон далаларидамиз. Бепоён пахтазорларга боқиб, беҳад завқ-шавққа тўламиз. Пахтазор эмас, пахтақайнар бўлибди. Кўм-кўк барглар остидан табассум қилиб турган лўппи, момиқ пахталарнинг ҳар бири оламча илҳом бағишлайди. Далаларда мўл-кўл ҳосил етилибди. Деҳқонларнинг эрта баҳордан то шу дамгача қилган шарафли меҳнатлари роҳат бўлибди.

Оққўрғонлик пахтапарвазлар жонажон партиямизнинг XXV съезди ҳамда Ўзкомпартиянинг XIX съезди бўлиб ўтган шу қутлуғ йилда мисли кўрилмаган юксак марраларни кўзлашяпти. 19 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан селкам 37 центнердан хирмон кўтариб, она-Ватанга 70 минг тонна дурдона етказиб беришмоқчи. Механизация қудратига суянмай туриб, бундай марраларни эгаллаб бўлмайди. Теримга шай қилиб қўйган 370 «зангори кема» икки сменада унумли ишлайди. Уларнинг бункерларидан камида 52 минг тонна момиқ пахта тўкилади.

Куни кеча Оққўрғондаги барча хўжаликларда ғўзаларни дефолиация қилиш ёппасига бошлаб юборилди. Райондаги мавжуд икки совхоз ҳамда 12 колхозда дефолиация барча талаб ва қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилмоқда. Бу ишда моҳир механизаторлар билан бир каторда граждан авиацияси лочинлари фаоллик кўрсатишяпти.

Ўтган йили райондаги бешта бригада пахта ҳосилдорлигини 45-50 центнерга етказишга муваффақ бўлган эди, холос. Бу йил 50 центнерчилик ҳаракати тобора авж оляпти. «Ленинобод» колхозидан Пўлат Тошхўжаев, «Коммунизм» колхозидан Ҳабил Тўрахўжаев, Навоий номли колхозидан Пошали Маҳмудов, Турдибой Абдусатторов, Ҳамид Олимжон номли колхозидан Жумақул Пиримқулов, С. Сегизбоев номли совхозидан Раҳмон Файзуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг азаматлари гектаридан камида 50 центнердан хирмон кўтариш ташаббуси билан чиққан эдилар. Райондаги кўпгина бригадалар бу илғор коллективлар сафига қўшилишди. «Ленинобод» колхозидан М. Нозимов, Т. Газатов, «Озод» колхозидан М. Қосимов, Навоий номли колхозидан И. Ҳолиқов, М. Райимқулов, Т. Сегизбоев номли совхозидан Ю. Нишонов, Н. Дурсунов сингари моҳир пахтакорлар бошчилик қилаётган бригада азаматлари 50 центнердан ҳам юксак маррани кўзлашаётир. Бу машъал бригадалар далаларида дефолиация районда биринчилар каторида бошланди. Ҳадемай уларнинг далаларида «зангори кема»лар салобат билан суза бошлайди.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПРОҚ ЕТИШТИРАЙЛИК!

УРГАНЧ, 30 август. (ЎзТАГ). Бу ерда Хоразм область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари пахта, шоли, маккажўхори дони ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа маҳсулотларини йиғиштириб олишга тайёргарлик кўриш ва бу ишни муваффақиятли ўтказиш ҳамда хоразмлик деҳқонларнинг ўничи ели йиллигининг биринчи йили учун олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масалаларни муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Г. Ниёзов, Урганч район партия комитетининг биринчи секретари М. Маткаримов, Гурлан район партия комитетининг биринчи секретари Г. Н. Машарипов, Урганч район партия комитетининг биринчи секретари М. Жуманазаров, Боғот районидаги Нарманов номли колхоз раиси И. Дўсов, Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли шоликор совхоз директори Н. В. Ким мажлис аҳлига область далаларида ишларнинг бориши ҳақида ахборот бердилар.

Сўзга чиққан нотиқлар хоразмлик «оқ олтин» усталари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубань ғаллакорларига йўллаган мактубига амалий иш билан жавоб бериб, Ўзбекистоннинг 5300 минг тонналик пахтаси учун курашга қўшаётган ўз ҳиссасини кўпайтиришга қатъий қарор берганликларини таъкидлаб ўтдилар. Далаларда пишиб етилаётган мўл ҳосил мамлакатга 425000 тонна пахта етказиб беришдан иборат мажбуриятни муваффақиятли бажариш имконини беради. Область хўжаликлари машина-механизмлардан унумли фойдаланиб, пахтани сира нобуд қилмай, қисқа вақт ичида йиғиб-териб олиш учун барча резервларни ишга солмоқдалар. Давлатга 60000 тонна ёки аввалги мажбуриятда кўзда тутилганидан 7000 тонна кўп ғалла сотишга ҳам қарор қилинди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Э. Б. Нордман иштирок этдилар.

Суратда: «Ленинизм» колхози далаларида ғўзаларни дефолиация қилиш пайти. Хидирқул Довбоев бошлиқ бригаданинг илғор механизатори Турсунбой Иброҳимов ғўзани дефолиация қилмоқда.
Ҳ. Авалов фотоси.

ДЕПУТАТЛАР ТАВСИЯСИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети фан ва маданият доимий комиссияси 30 августда бўлиб ўтган мажлисида олий ўқув юртлари ва техникумларни битириб чиққан кишилардан Ўзбекистон ССР халқ хўжалигида фойдаланиш масаласини қараб чиқди. Республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ва Госпланнинг ахборотлари тингланди.

Бу соҳада республикада кўп иш қилинаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида дипломли мутахассислар анча кўпайди, ўқув юртларининг таълим-материал базаси мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, халқ хўжалигининг турли тармоқларида олий ва ўрта малакали мутахассислардан нотўғри фойдаланиш фактлари бор. Олий ўқув юртлари ва техникумларни битириб чиққан кишиларнинг бир қисми ихтисослари бўйича ишламаяпти.

Доимий комиссия республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, бошқа министрликлари ва идораларига тегишли тавсиялар берди.

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Ўзбекистонда СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шаотномаининг беш йиллигига бағишланган Совет — Ҳиндистон дўстлиги ойлиги тугади.

Тошкент ва Чирчиқда, республикaнинг бошқа шаҳар ва районларида Совет — Ҳиндистон дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг коллектив аъзолари бўлган корхона ва ташкилотларда йиғилиш ҳамда митинглар бўлиб ўтди. Шу йиғилиш ва митинглларнинг қатнашчилари шартнома имзоланганидан бери ўтган беш йил мобайнида Совет — Ҳиндистон муносабатлари янада ҳар томонлама ривожланганлигини таъкидлаб ўтдилар. Улар ишонч биллириб айтишдики, бу муносабатлар халкларимизнинг манфаатлари йўлида, ялпи тинчлик ва халқаро хавфсизлик йўлида бундан буён ҳам чуқурлашиб, кенгая беради.

Ҳиндистон — Совет маданий жамияти миллий кенгаши номига табрик телеграммалари йўлланди. Ўзбекистон билан мустаҳкам маданий алока боғлаб келаётган шу жамиятнинг Панжоб штатидаги бўлимига ҳам табрикномалар юборилди.

(ЎзТАГ).

ЧИЛИ ВАТАНПАРВАРЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Чили халқининг озодлик ва демократия йўлидаги кураши билан бирдамлик юзасидан республикамизда ўтказилаётган митингларда совет кишиларининг ҳис-туйғуларини ифодаловчи сўзлар, «Луис Корвалан озод қилинсин!», «Чилининг мард ватанпарварлари, сизлар билан ҳамдаммиз!» деган шиорлар қайта-қайта янграмоқда.

Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг митингига мингга яқин ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи тўпланди. Моторчи-тикувчи Г. Ризаева митингда сўзга чиқиб бундай деди:

— Пиночет тўдаси Чили халқини беҳисоб азоб-уқубатларга гирифтор қилди, мамлакатни катта қамоқ лагерига айлантирди. Аммо реакционерлар нақадар ёвузлик қилмасинлар, улар тарих ғилдирагини орқага бура олмайдилар, озодлик мевасини татиган кишиларнинг ҳоҳиш-иродасини бука олмайдилар. Барча соф ниятли кишилар Чили ватанпарварлари тарафида турибди. Биз улар билан бирдам эканлигимизни яна бир карра маълум қиламиз ҳамда фашистлар зиндонида азоб чекиб ётган Луис Корвалан ва Чили халқининг бошқа содиқ фарзандлари дарҳол озодликка чиқарилишини талаб қиламиз.

Митингда сўзга чиққан моторчи-тикувчи Н. Шуина, лаборант С. Обидова ва бошқа тикувчилар ҳам шу ҳақда гапирдилар.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг деҳконлари Чили демократик кучлари билан бирдамлик митингини ўтказдилар.

Бригадир Қодир Мавлоноа, колхозчилардан Александр Ким ва Салим Ғойибовларнинг митингдаги нутқларида Чилидаги ҳокимиятни босиб олган фашистлар хунтаси ғазаб билан қораланди.

Тошкент область «Партия XXI съезди» совхозининг ишчилари ҳам митингда Чили ватанпарварларининг кураши билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ҳ. МАТРАСУЛОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия органларидаги узоқ йиллик, самарали иши учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг секретари Ҳасан Матрасуловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1976 йил, 30 август.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикакада соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги узоқ йиллик, самарали ишлари ва эришган муваффақиятлари учун меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш бўлими 2-область касалхонасининг врачи Нина Матвеевна **Бабкинага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвонини берди.

САНОАТ — ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТЛАРИННИНГ ЁРДАМИ

Янгийўл саноат корхоналари қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қиладиган 14 та нўчма устахонани шай қилиб қўйдилар. Улардаги ҳамма анжомлар — асбоблар комплекти, пайвандлаш аппаратлари, ремонт материалларини оталиқ ташкилотлари фақат ички резервлар ҳисобига тайёрладилар. Корхоналарнинг ишчи ва мутахассислари техникани теримга шайлашда ва нўчма устахонани ишхозлашда қишлоқлик. ларга ёрдам бериш билангина чекланмасдан, терим даврида ёрдам берадиган махсус ремонт бригадалари ҳам тузидилар.

Ҳозир эса юзлаб янгийўлликлар шанба ва якшанба кунлари ем-хашак тайёрлаш, боғ ва токзорлар ҳосилини йиғиштириб олишда, сабзавот пайкалларида район хўжаликларига ёрдам бермоқдалар. Ҳозиргача шаҳарликлар тўрт минг тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева йиғиштириб бердилар.

(ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

30 август куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисни кенгаш раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин очди. Мажлис эҳли Фарғона областидаги комсомол-ёшлар коллективларининг меҳнатнинг юксак самарадорлиги учун маҳорат ва завод маркаси шарафи учун кураш ташкиби ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Мажлис қатнашчилари республикада фан-техника тараққиёти проблемаларининг матбуотда, телевидение ва радио орқали ёритилиши ҳақидаги ахборотни ҳам тингладилар. (ЎзТАГ).

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЭНЕРГЕТИКЛАР МАРРАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йилида ўз зиммасига янги ошириллган мажбуриятлар олган Тюмень газчиларига ва нефтчиларга, Донецк шахтёрлари ва Москва энергетикларига йўллаган мактубида бу ватанпарварлик ташаббуси мамлакатнинг ёқилғи — энергетика ресурслари корхоналарининг меҳнаткашлари орасида кенг қўллаб-қувватланади, деб ишонч билдирган эди.

Узбекистон энергетиклари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, дурустина муваффақиятларга эришмоқдалар.

Республика энергетиклари ўзларининг асосий куч-ғайратларини энергетика ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ва сифатини оширишга, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ривожлантиришга қаратиб, беш йиллик биринчи йилининг саккиз ойи мобайнида 20 минг тоннадан знёдроқ шартли ёқилғи ва 50 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолдилар. Берилган топшириққа қўшимча равишда 2,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди ва планга қўшимча равишда 1,7 миллион сўмлик фойда кўрилди. Тармоқ корхоналарида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан меҳнат унумдорлиги олти процент ўсди.

Бу йил қишлоқ хўжалигини электр энергияси билан таъминлашга катта эътибор берилди. Курувчилар ва ишга туширувчилар суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни ошириш учун 1099 та қудуқни электрлаштирдилар.

Энергетика ишлаб чиқариши самарадорлигини ва сифатини янада ошириш учун қўшимча резервлар ҳамда имкониятларни кидириб топиш юзасидан Москва энергетикларининг даъватини қўллаб-қувватлаган республика энергетиклари 1976 йилда ўз зиммаларига қўшимча социалистик мажбуриятлар олишди. Қиш шароитларида энергетика корхоналарини муддатидан илгари тайёрлашга ва шу тарика халқ хўжалигининг энергетика таъминоти пухта бўлишига эришишга аҳд қилинди.

Тежамкорлик ҳисобига илгари олинган мажбуриятдагига қўшимча равишда 1 миллион сўм фойда олинади, йигирма минг тонна шартли ёқилғи, беш миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади.

(ЎзТАГ).

МЎЛ-КЎЛ ДОН УЧУН

Республика областлари ва Қорақалпоғистон АССРда маккажўхорини донга ўриш ва маккажўхори дони тайёрлаш топшириғининг бажарилиши тўғрисида шу йил 30 августга бўлган МАЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган дон; учинчи устун — мавсум бошидан бери; тўртинчи устун — бир кунда ўрилган майдон; бешинчи устун — мавсум бошидан бери.

ҚАШҚАДАРЁ	2,0	115,4	2,5	84,1
ТОШКЕНТ	—	101,5	2,5	69,5
АНДИЖОН	—	100,4	1,6	89,5
СУРХОНДАРЁ	4,4	100,0	0,8	82,5
Сирдарё	8,4	76,5	3,4	62,4
Фарғона	3,4	71,8	1,5	54,4
Бухоро	1,3	69,2	3,7	64,0
Наманган	2,6	50,6	0,4	47,7
Жиззах	5,6	39,5	4,1	46,9
Самарқанд	3,4	11,2	1,9	14,5
ҚҚАССР	1,3	5,0	2,1	5,0
Хоразм	—	—	1,6	9,2
Республика бўйича:	2,9	63,9	2,3	51,7



Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозида бу йил 1900 гектар майдондаги ҳосил терим агрегатларида йиғиб-териб олинади. Колхоз механизаторлари етиштирилган пахтанинг 90 процентини машиналарда териб оламиз дейишмоқда. Халқ назоратчилари мавсумга тайёргарлик даврида айниқса машиналарнинг сифатли ремонт қилинишига алоҳида эътибор беришди. Суратда: халқ назоратчилари ремонт сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

МАШИНАЛАР МУКАММАЛ БЎЛСИН

«Союзмашхлопководство» Бутунттифоқ саноат бирлашмаси тўққизинчи беш йилликда маҳсулот сифатини ошириш юзасидан бир қатор ибратли ишлар қилди. Бирлашма маркази билан чиқарилган маҳсулотнинг 65 процента колхоз ва совхозларга ҳозир биринчи сортларда, 8,2 проценти эса олий сифат билан етказиб берилмоқда. Шунингдек кўпгина янги хил қишлоқ хўжалик машиналари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилаётир.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети яқинда текшириш ўтказиб, бирлашма фаолиятида ютуқлар билан бирга жиддий камчиликлар ҳам борлигини аниқлади. Бундай камчиликлар айниқса пахтачилик учун янада такомиллашган машиналар яратиш, маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида рўй бермоқда. Бирлашма ва унга қарашли давлат махсус конструкторлик бюроси пахтани табақалаштириб терилиши учун терим машиналари ҳамда нигичка толали пахта терадиган машиналар конструкциясини ишлаб чиқиш юзасидан ўзларига берилган топшириқни вақтида бажармадилар. Конструкторлик бюроси раҳбарлари (бошлиғи Радкевич) айби билан Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш институти таклиф этган ана шу хилдаги машиналар нусхалари асоссиз суратда инкор этиб келинди. Бу эса ўз навбатида пахтани табақалаштириб терадиган, шунингдек, нигичка толали пахта терадиган машиналарни яратиш иши бир неча йил орқага сурилишига сабаб бўлди. Конструкторлик бюроси ана шундай муҳим вазифалар билан шуғулланиш ўрнига ўз конструкцияси асосида кам самара берадиган машиналарни яратишга бир миллион сўмга яқин маблағ сарфлаган. Конструкторлик бюросида илмий тадқиқот ва конструкторлик ишлари ташкилий ва сифат жиҳатидан техника тараққиёти талабларига етарли жавоб бермайди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган машиналар агротехника талабларига, техника хавфсизлиги нормаларига, олий даражадаги сифат шартларига мувофиқ бўлмаётир.

Бирлашма заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳам талаб даражасида эмас. «Союзсельхозтехника» номидан келаётган рекламациялар, сифатсизлиги натижасида қабул қилинмаётган маҳсулотлар сони кўпайиб бормоқда. Ўтган беш йилликда сифатсизлиги учун «Узгосстандарт» 18 марта маҳсулот етказиб беришни тақиқлади, корхоналар ҳисобидан 220,2 минг сўмлик маҳсулотни қирқиб ташлади. Ана шу вақт ичида корхоналарда ишлаб чиқарилган жами тракторларнинг 19 проценти, прицепларнинг 15,6 проценти, пахта териш машиналарининг 8 процентдан кўпроғи нуқсонларни тугатиш учун корхоналарга қайтариб юборилди. Бирлашма аппарати раҳбарлари, директорлар кенгаши ва энг аввало бош инженер Велкий маҳсулот сифатини яхшилаш ишига зарур даражада эътибор бермаётирлар. Сифат масаласи чуқур ўрганилиб, атрофлича таҳлил қилинмайди, бу борадаги камчиликларни ўз вақтида тугатиш учун зарур чоралар кўрилмаётир. Маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан илғор тажрибалар, жумладан сифатни бошқариш системаси жорий этилмаётир.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети текшириш якунларини комитет мажлисида атрофлича муҳокама қилди. «Союзмашхлопководство» бирлашмаси ва унга қарашли корхоналарга маҳсулот сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги учун янада такомиллашган ва унумли ишлайдиган машиналар яратиш борасида рўй бераётган камчиликларни тугатиш вазифасини топширди.

Халқ контроли Саҳифаси

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

- Қишлоқ назоратчиларининг жонажон иши
- Тайёрлаш пунктларида ҳамма нарса ҳосилни қабул қилиб олишга шай бўлсин
- *Ремонт суръати суст, сифати паст бўляпти*
- Пахтакорлар учун зарур шароит яратишга асосий эътибор

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ШАЙМИСИЗ

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ ҳаётида муҳим давр бошланмоқда. Йил — ўн икки ой тер тўкиб етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш бошланди. Эрта-индин илғор колхоз ва совхозлар терилган ҳосилнинг дастлабки тонналарини «оқ олтин» карвонларида қабул пунктларига элтиб топширадилар.

Колхоз ва совхозларнинг, пахта тозалаш заводлари ва қабул пунктларининг халқ назоратчилари йиғим-терим мавсумига айниқса пухта тайёргарлик билан киришмоқдалар. Ҳар бир халқ контроли группаси йиғим-теримнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида конкрет тадбирлар тузиб чиқиб, уни изчиллик билан амалга оширмоқда. Қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш, далаларни, йўл ва кўприкларни, пахта тайёрлаш пунктларини мавсумга тайёрлаш, терим агрегатларини икки сменада ишлатиш учун етарли механизатор кадрлар тайёрлаш, хуллас терим мавсуми билан боғлиқ ҳар қандай иш уларнинг диққат-эътиборига, ўткир назорати остига олинди. Район халқ контроли комитетлари ташаббуси билан машиналар ремонт қилинаётган устахоналарда, группа бўлиб пахта териладиган жойларда, қабул пунктларида, назоратчининг ўткир нигоҳи зарур бўлган барча участкаларда қўшимча халқ контроли постлари ташкил қилинди. Пахта қабул қилиш пунктларида иш олиб борадиган халқ назоратчиларига баъзи низолар олдини олиш учун ҳосилнинг намлиги ва нфлослик даражасини қайта текшириш ҳуқуқи берилди. Область халқ контроли комитети группа ва пост раисларининг семинарини ўтказди, назоратчилар давлат стандарти шартлари билан атрофлича таништирилди. Булардан ташқари халқ контроли комитети таклифи билан областимиздаги пахта тозалаш заводлари қабул пунктларида ҳосилнинг сифати колхозлар бўйича эмас, бригадалар бўйича чиқариладиган бўлди. Бу эса ўз навбатида механизаторларни сифатли пахта тергани учун моддий жиҳатдан рағбатлантиришда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, назоратчилар таклифи билан бу йил келтирилган ҳосилни топширишни енгиллатиш мақсадида қабул пунктларида қўшимча автотарозилар ўрнатилмоқда.

Халқ контроли органлари фаолияти айниқса пахта йиғим-теримига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда яқол намоён бўлмоқда. Жойларда ўтказилаётган оммавий текшириш ва рейдларда тайёргарликнинг бориши синчиклаб ўрганилмоқда. Текшириш якунлари эса энг аввало ана шу устахона ёки қабул пункти, бригада ёки «Узсельхозтехника» бирлашмалари коллективлари ўртасида оперативлик билан муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни тезда тугатиш ҳамда тайёргарлик ишларини қизғин олиб бориш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланмоқда.

Область халқ контроли комитети яқинда халқ контроли қўйи звенолари ҳамда мутахассисларнинг актив иштирокида пахта қабул қилиш пунктларини терим мавсумига тайёрлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларни ялпи текширишдан ўтказди. Областдаги барча пахта тозалаш заводлари ва қабул пунктлари синчиклаб кўздан кечириб чиқилди. Текширишда шу нарса аниқландики, мавжуд 42 та тайёрлаш пунктларидан фақат 14 тасигина машина ва механизмларни, хирмонлар ремонтини тугаллаган. Халқ назоратчилари аралашганидан кейин қолган 28 пунктда ҳам камчиликлар тугатилиб, терим мавсумига тайёр қилиб қўйилди.

Хўш, баъзи пахта тайёрлаш пунктларида ремонт ишларининг ана шундай суст борганлигига нималар сабаб бўляпти? Аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, пахта тайёрлашнинг бу муҳим участкасида мавсумга тайёргарлик иши ташкилий жиҳатдан пухта ташкил қилинган эмас. Ремонт учун ажратилган ишчи кучлари сон жиҳатидан талабга жавоб бермайди. Машиналарнинг запас қисмлари, қурилиш материаллари етарли миқдорда етказиб берилмаётир. Ана шу сабабли Чиноз ва Оқўрғон пахта тозалаш заводларига қарашли қабул пунктларида иш зоналарига асфальт ётқизишга киришилгани йўқ.

Келтирилган ҳосилни тез қабул қилиб олиб, транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш кўп жиҳатдан пунктларда тош-тарози ҳамда транспортёрларнинг узлуксиз ишлашини таъминлашга боғлиқ. Аммо бир қатор пунктларда бу соҳада жиддий камчиликлар борлиги ташвиш туғдиради. Чиноз пахта тозалаш заводи пунктларида ана шундай тарозилардан тўрттаси, «Узбекистон ССР беш йиллиги» заводи пунктларида эса бешта тарози ремонти ҳамон тугалланмаган. Оқўрғон, Қорасув заводларига келтирилган 30 тоннали автотарозилар ўрнатилганича йўқ. Бундай аҳвол йилнинг ҳал қилувчи мавсумида кўплаб автомашина ва прицепли тракторларда келтирилган ҳосилнинг узоқ вақт қабул қилинмай қолишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пахта йиғим-терими ва уни қабул қилиб олиш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳақидаги қарорида пахта тайёрлашнинг боришига ҳалақит берадиган ҳар қандай камчиликларни тезлик билан тугатиш вазифаси алоҳида таъкидланган. Аммо областдаги бир қатор пахта тайёрлаш пунктлари, жумладан Янгийўл пахта тозалаш заводининг бир қатор пунктларида, шунингдек Қорасув пахта заводининг Кучлик, Далаварзин, Оқўрғон, Бўка ва Алимкент заводларининг кўпгина пунктларида пахта тўкиладиган майдончаларни ҳозирлаш, транспортёрларни ремонт қилиш, прицеплар ва пахта ғарамларини титиш механизмларини, вентиляторларни тайёрлаш суръати суст эканлиги, ремонт ишларида сифат унутиб қўйилаётганлиги ана шу завод раҳбарларининг бу муҳим ишга масъулиятсизлик билан қараётганлигини кўрсатади.

Пахта йиғим-терим мавсуми етиштирилган мўл-кўл ҳосилни қисқа фурсатларда тез суръатлар билан юқори сифатли қилиб териб олиш ва тайёрлашда ўзига хос имтиҳондир. Областимиз колхоз ва совхозларида, тайёрлов пунктларида ана шуни эътиборга олган ҳолда мавсумга тайёргарлик ишларини тезда тугаллаб, область бўйича 450 минг тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан олинган юксак мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайлик.

М. МУЛЛАЕВ,
Тошкент область халқ контроли комитетининг раиси.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

ШИКОЯТГА САБАБ БОР

«Узсельхозтехника» область бирлашмасига қарашли Бухоро ремонт заводи кейинги йилларда анча кенгайди. Бу ерда бажарилаётган иш сифатидан колхоз ва совхозларнинг механизаторлари хурсанд. Заводда ремонт қилинган техника узоқ вақт бузилмай унумли ишламоқда. Корхона маъмурияти қишлоққа кўрсатиладиган хизматни янада яхшилаш мақсадида янги ремонт корпусини қуриб ишга туширишга қарор қилди. Бу корпус фойдаланишга топширилгач, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати шу кундагига қараганда тўрт-беш марта ошади. Булардан ташқари заводда шу йилнинг ўзида икки хил янги маҳсулот — «В-800» маркали лентали конвейер узели ва «С-245» маркали насос ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Аммо шуларга қарамай жойлардан корхона маъмурияти номига турли хил шикоятлар ҳам келиб турибди. Бухоро шаҳар халқ контроли комитети яқинда текшириш ўтказиб, ана шу шикоятларга сабаб борлигини аниқлади. Бу ерда механизмларни тозалаш учун махсус машина ишга туширилмаган, сайқал берадиган станоклар эса ҳамон жорий этилмаган. Кўпинча давлат стандартига мос келмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Техника назорати бўлими кадрлар билан етарли таъминланмагани сабабли сифатнинг бузилиш ҳоллари ҳам рўй бериб турибди. Ана шу сабабли завод номига шу йилнинг биринчи ярмида 37 та рекламация келди.

Шаҳар халқ контроли комитети текшириш натижаларини муҳокама қилиб, камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилади.

БУНГА КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Янги ўқув йили бошланяпти. Аммо Деҳқонобод районида кўпгина мактаблар ремонтига қўл урилганича йўқ. Обиравон ва Оқтош қишлоқ советларида айниқса аҳвол ташвишли. Ғафур Ғулом номли мактаб бу йил капитал ремонт қилиниши лозим эди. Бунинг учун 15 минг сўм ажратилди. Аммо қишлоқ Совети етарли ишчи кучлари ажратмади. Ишлар ўлда-жўлда қолди. Ана шу сабабли ажратилган маблағнинг 800 сўмидангина фойдаланилди. Пржевальский номли мактабда ҳам ана шундай аҳвол рўй берди. Свердлов номли, С. Раҳимов номли, Аҳмад Дониш номли, Улуғбек номли мактабларда эса ҳатто жорий ремонт ҳам тугаллангани йўқ. Район халқ маорифи бўлими етарли миқдорда қурилиш материаллари ажратмагани сабабли Фурманов номли ва «Ешгвардия» мактабларида қўшимча синф хоналари қурилмай қолди. Бу ерда янги ўқув йилида ўтган йиллардаги қийинчиликлар яна такрорланиши мумкин. Деҳқонобод район халқ контроли комитети ўтказган текширишда ана шундай камчиликлар аниқланди. Район халқ контроли комитети мактаблар ремонтини тезлаштириш чорасини кўрди.

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...

Булунғур район халқ контроли комитети навбатдаги текширишни техника ремонтига бағишлади. Оммавий текширишда назоратчилар билан бирга мутахассислар ва механизаторлар ҳам қатнашишди. Улар колхоз ва совхозларда бўлиб қишлоқ хўжалик машиналари ремонтининг боришини синчиклаб кўздан кечиришди. Ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам аниқланди. Масалан, Гагарин номли совхозда 20 та ҳайдов тракторидан 4 таси ҳамон созланмаган. Хўжаликнинг биринчи бўлимида техникани сақлаш ёмон аҳволда. Плуг, борона, чизеллар лойдан тозаланмай бир чеккага уюб қўйилибди. 10 та культиватор ҳам ванг босганича ётибди. Текширишда Ленин номли колхозда ҳам техника ремонти суст бораётгани маълум бўлди. Бу хўжаликда 25 та ҳайдов трактори ремонт учун тортилмаган. «Булунғур», «Красногвардейский» ва Навоий номли совхозларда хўжалик раҳбарларининг эътиборсизлиги сабабли ремонт қилинган машиналарни сақлаш техника талаблари даражасида ташкил қилинмаган. Текширишда якуни район халқ контроли комитети мажлисида муҳокама қилинди ҳамда техника ремонтини тезлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

БЎЛДИ ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР

ШИЙПОН — ШИП-ШИЙДОН

Қурилиш ташкилоти бошлиғи Рустамов номига колхозчилардан хат тушди. «Ваъдага вафо қилинг-да, Ўртоқ Рустамов. Қачонгача дала шийпони бир ёнда қолиб, дарахт тагида дам оламиз? Ишни орқага чўзишнинг чеки-чегараси бўладими?». Хатнинг мазмуни ана шундай эди. Бошлиқ нулиб қўйди. «Шийпонмиш, — деди у ўзича. — Куз бор, қиш бор бир кун битади-да. Бутун-бутун уй-жойлар, клублар қурилиши ойдан ойга чўзилганида шийпон нима деган гап экан». Дарҳақиқат Энгельс номли колхозда 600 ўринли клуб биноси неча ойлардан бери чалалигича ётибди. Калинин номли колхозининг 12-, Ленин номли колхозининг 15-, 17-, 7-бригадаларида шийпонлар ремонти бошланганига кўп кунлар бўлди. Ёз ўтиб, куз келяптию, аммо колхозлараро қурилиш бошқармаси раҳбарлари ремонтни тезлатиш ҳақида сира ўйламаётирлар. Хуллас, Вобкент районида ана шундай қизиқ ҳангомалар бўлиб турибди. (Текшириш материалларидан).

...ва амалда.

КЕЙИН ХУРСАНД БЎЛАРМИШ...

Ишини билганга маданият бўлими ҳам бинойидек молтушар жой экан. Л. Медведова шу ерга бош бухгалтер бўлиб келдию, не-не ишларни қилиб юборди. Бўлим мудири Г. Тиллаев унга «ҳар нарсани чегараси бор, бир куни воҳ деб қолмасан бўлгани» деса ҳам, бош бухгалтер парво қилмади. Аксинча «буёғини бизга қўйиб бераверинг, кейин хурсанд бўласиз» деб мудирни ишонтирди. Л. Медведованинг таклифи билан ўриндошлик йўли билан ишлайдиган ишчилар ишга қабул қилинаверди. Аммо, уларнинг бирортаси ҳам иш юзини кўрмади. Г. Тиллаев унинг бу антиқа ишларини билса ҳам индамай юраверди. Ана шундай қилиб 2179 сўм 97 тийиннинг тагига сув қуйилди. Андижон шаҳар маданият бўлимида ҳисоб-китоб ва касса ишлари шу тарика издан чиқди. (Текшириш материалларидан).

— Энди манави одам учун маош оламан.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Самарқанд шаҳрида қад кўтарган кўпгина уй-жойлар уйсозлик комбинатида тайёрланган. Комбинат йил сайин кенгайиб бормоқда. Аммо бу ерда молия ва меҳнат интизомининг бўшлиги ишлаб чиқариш суръати ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўтган бир ярим йил ичида меҳнат интизоми бузилгани сабабли 84,5 минг сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Комбинат бошлиғи А. Ялпин эса ҳамон бепарво. Аксинча унинг топшириғи билан ой охирида қилинган ишлар ҳажми ошириб кўрсатиляпти. Май ойида ҳам шундай қилинди. Ҳисоботда 502,4 минг сўмлик иш ҳажми 571 минг сўмлик қилиб ўзгартирилди. Комбинат раҳбарларининг бепарволигидан корхонада қурилиш материзлларини талон-торож қилиш ҳам авжида. Текширишда шу нарса аниқландики, 153,8 килограмм оқ тунука, 819,2 килограмм оддий тунука, 990 квадрат метр пергамин қонунсиз тарзда ҳисобдан чиқарилган. (Текшириш материалларидан).

— Ҳавотирланма, маълумотда план аллақачон бажарилган.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ТАРАДДУД

Пахтакор кутган кунлар келди. Далаларда йиғим-терим бошланмоқда. Бу кунга халқ назоратчилари ҳам пухта тараддуд кўрдилар. Мавсумга тайёргарлик ларнинг доимий диққат-эътиборида бўлди. Колхоз халқ контроли комитетига бирлашган 411 назоратчи далаларни машина теримига тайёрлаш, машиналар ремонтини тезлатиш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланиш, хирмонларни, йўл ва кўприкларни, тош-тарозиларни вақтида ремонт қилиш ишларини кузатиб бордилар. Группа 43 та цех группаси ва 11 та постдан ташқари ремонтчи бригадалар қошида ҳам вақтинча постлар ташкил этди. Мана натижа: ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида мамлакатга 16 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олган колхозимиз пахта йиғим-теримига ҳар томонлама шай.

Колхоз халқ назоратчилари чиндан ҳам правление ва партия ташкилотининг энг яқин ёрдамчилари бўлиб қолишган. Ҳар бир соҳада улар олиб бораётган ишнинг таъсири сезилиб турибди. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ғўза парваришини сифатли ўтказиш, техникадан унумли фойдаланиш, сув исрофгарчилигига қарши курашиш ёзги мавсумда группамиз фаолиятидан асосий ўрин олган эди. Яқинда етиштирилган ҳосилни чамалаб чиқдик. 3690 гектар майдоннинг ҳар гектарида камида 40 центнердан пахта етиштирилганида назоратчиларнинг ҳам улуши бор.

Группа пахта йиғим-теримини қисқа муддатларда ўтказиш ва олинган мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди. Ана шу тадбирлар асосида машиналар группа бўлиб ишлайдиган участкаларда, пахта хирмонларида, терилган ҳосилни пунктларга ташиб берадиган механизаторлар ўртасида вақтинча постлар ташкил этилади. Пахтани сира ҳам побуд қилмай териб олиш, терим машиналари ва транспорт қувватидан унумли фойдаланиш назоратчиларнинг диққат-эътиборида бўлади. Хуллас, колхозимиз халқ назоратчилари бу йил хўжалик бўйича тайёрланадиган 16 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

М. ТУЙЧИЕВ,
Сариоснё районидаги «Коммунизм» колхози халқ контроли группасининг раиси.

Ажаб савдолар

ЧЎТАЛЧИ ПРОРАБ

Набижоннинг бу галги қилиғи айниқса ошиб тушди.

Туппа-тузук одам хамманинг кўз ўнгида йўл тўсиб «қани чўнтагингни ағдарчи» дейдиган одат чиқарди. Аввалига унинг бу қилиғини кўрганлар кўзига, эшитганлар қулоғига ишонмай, «тавба, тушимми ё ўнгимми?» деб ёқа ушлашди.

— Тушинг эмас, ошна, —дерди шунда Набижон уларга. — хўш, маош олдингми, қани юз сўмини бу ёққа чўзиб қўй.

Бундай воқеалар бир эмас, бир неча марта такрорлангач кишилар ҳам «Набижоннинг дастидан дод» деб ремонт қурилиш бошқармасининг бошлиғи Сойибжон Содиқовнинг ҳузурига боришди.

— Вой, аҳмоқлар-ей, бер деса суриштирмай бераверасанларми, — деди бошлиқ. — Бундоқ сабабини суриштирмайсанларми?

— Сўрадик, мой пули дейди, таъминотчиларнинг қўлини мойлармиш.

— Ҳа, ана кўрдингизми, Набижон зарур бўлгандан олган. Унда сира ҳам айб йўқ. Сизларнинг ғаминигизни есаю, сизлар эса шикоят қиласизлар.

Хуллас, бояги кишилар бошлиқнинг ҳонасидан шикоятчи номини олиб, Набижон Мамажоновнинг ҳалол ва пок одамлигига ишонч ҳосил қилиб чиқишди. Набижон ҳам ҳар ойнинг охирида касса ёнида ҳозиру нозир бўлиб, кишиларнинг йўлини тўсишни канда қилмади. Борабора қурувчилар ҳам бунга кўникиб кетишди. Агар маош олганларида Набижон кўзларига кўринмай қолса «Ҳой прораб, қаёқдасан, улушингни олмайсанми» деб жар соладиган бўлишди.

Набижон ким дерсиз? У киши Кўрғонтепа районидаги 82-қурилиш-ремонт бошқармасида прораб бўлиб ишлайди. Бошқарма бошлиғи Сойибжон Содиқовнинг ўнг қўли, сирдош ўртоғи, ишонган тоғи. Ана шунинг учун ҳам прорабнинг бошқармада айтгани айтган, дегани деган. Кўнглига келган ишни қилади. Бошқарма бошлиғи эса унинг гапини сира икки қилмайди. Бундан фойдаланиб Набижон маош куни қўл остидаги қурувчиларнинг йўлини тўсиб, чўтал талаб қиладиган одат чиқарди.

— Мойламаса араванинг ғилдираги ҳам ғичирлайди. Ўш шаҳридан гишт, алюмин, цемент келтиряман. Таъминотчиларга ҳам чойчақа керак-да, — дейди у икки гапнинг бирида.

Шундай деб Набижон Мамажонов қурилишда бажарилган ишларни ортиқча кўрсатиб, қўли остидаги кишиларга икки ҳисса ҳақ ёзаверди. маош куни эса ҳар бир қурувчидан ана шу ортиқча ҳақни олиб қолаверди. Р. Каримов, Х. Муродов, Р. Тошбоев, А. Жабборов, Х. Бегаминов каби ўнлаб қурувчилар ҳам «текин пул бизга керакмас» деб ҳар маошдан прорабга 160-180 сўмдан бераверишди. Аммо бу пуллар кимнинг чўнтагига тушаётгани билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Бошқарма бошлиғи Сойибжон Содиқовнинг ўзи Набижонга ён босгандан кейин сўраб-суриштирадиган одам ҳам топилмади. Хуллас, Кўрғонтепа районида ана шунақа ажаб савдолар бўляпти.

Р. ТУРСУНОВ.

ГАЗЕТХОН МУЛОҲАЗАСИ

СУВ СЕРОБ БЎЛСА...

Бундан етти-саккиз йил илгари қишлоғимизда хайрли ишга қўл урилган эди. «Гулистон» колхозининг Тегирмон участкасида катта ховуз қазилиб, унга қувур орқали обиҳаёт келтирилди. Аммо, хўжалик водопровод бўлимининг бошлиғи Ҳамидулла Зоҳидовнинг масъулиятсизлиги оқибатида бу иш ярим йўлда қолди. Қувурларга лойқа тўлиб, сув ўтмай қолди...

Шундан кейин қишлоқ аҳолиси райондаги алоқадор ташкилотларга мурожаат қилди. Район Совети ижроия комитети раҳбарлари амалий ёрдам беришни ваъда қилишди. Лекин ваъдалар унутиб юборилди. Ҳозир сув ялпи чалак нўтарган одамларни қишлоқнинг ҳар қадамида учратиш мумкин.

Булоқбоши участкасидан водопровод линияси тортилган бўлса ҳам бир кун сув бўлса, икки-уч кунлаб бўлмайди. У 500 хонадонни таъминлаш қувватига эга, холос.

Паркент — республикамизнинг нўхна, энг сўлим қишлоқларидан бири. Қишлоқ меҳнаткашлари ўзларининг бунёдкор меҳнатлари билан коммунизм мўл-кўлчилигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Кейинги йилларда қишлоғимизда катта социал ўзгаришлар юз берди. Аҳоли турмуш даражаси яхшиланди. Сув қишлоқ ҳаёти учун жуда зарур. Бу ҳақда тегишли ташкилот раҳбарлари бирор чора кўрадилар, деган умиддамиз.

М. НАЗИРБОЕВ,
Юқори Чирчиқ райони.

НАЗОРАТЧИЛАР КУТУБХОНАСИГА

Москва нашриётлари халқ назоратчилари учун қизиқарли китоблар нашр этмоқда. Ана шундай китоблардан бири «Халқ контроли справочниги» деб аталган. Унда халқ контролини такомиллаштириш йўллари тўғрисидаги партия съездлари ва КПСС Марказий Комитети материаллари ҳамраб олинган, назоратчиларга методик маслаҳатлар берилган.

Чоп этилган яна бир китоб «Саноат корхоналари халқ контроли группаси» деб номланган. Бу тўпламда мамлакатимиз заводлари ва фабрикалари халқ контроли группаларининг илғор тажрибалари ҳақидаги материаллар босилган, текширишни ташкил этиш юзасидан тавсияномалар берилган.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАЧ...

«ҚАРАСА БОҒ БЎЛАДИ»

Куйбишев номли, Калинин номли, «Октябрь 50 йиллиги» колхозларида мевали боғлар пайхон қилиняпти. Боғларга қаровнинг йўқлиги туфайли кўзланган ҳосилни олиш мумкин бўлмаётир. Хўжалик раҳбарлари мевали боғларни кенгайтириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида қайғурмаётирлар...

Газетамизнинг шу йил 25 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола Андижон область Марҳамат район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди Куйбишев номли, Калинин номли, «Октябрь 50 йиллиги» колхозларининг раислари қаттиқ огоҳлантирилди. Келтирилган зарар айбдор шахслардан ундириб олинди.

«ҚЎЗБЎЯМАЧИЛИК»

— Газетанинг шу йил 29 июль сонида эълон қилинган юқоридаги сарлавҳали мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди, — дейилади. «Андижаноблколхозстрой» трестидан олинган хабарда, — унда Қўрғонтепа районидаги Димитров номли колхоз бўрдоқичилик пункти қурилишидаги камчиликлар очиб ташланган эди. Пала-партишликка йўл қўйган прораб ва бригада бошлиқлари қаттиқ огоҳлантирилди. Уз ишига масъулиятсизлик билан қараган қурилиш мастери А. Абдусаматовдан келтирилган зарар ундириб олинди. Трест маъмурияти қурилаётган биноларнинг фақат сифатли бўлишини таъминлаш қурилиш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун конкрет тадбирлар белгилади.

УЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИДА

МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил давлатга 5,3 миллион тонна пахта етказиб беришга аҳд қилишган. Механизаторлар эса жами ҳосилнинг 3 миллион тоннасини териб беришмоқчи. 1976 йил план ва мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини ҳамда ҳосилнинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети пахта териш машиналари механик-ҳайдовчилари н и и г социалистик мусобақасини уюштиришга қарор қилди.

Республика мусобақасида голиб чиққан механик-ҳайдовчиларни рағбатлантириш мақсадида 100 та Фахрий ёрлиқ таъсис этилди. Фахрий ёрлиқ билан бирга «1976 йилнинг энг яхши механик-ҳайдовчиси» деган унвон ҳам берилади.

30 иш кунида энг юқори ишлаб чиқариш натижасига эришган ҳамда терилган ҳосилнинг юқори сифатли бўлишини таъминлаган, техникани авайлаб сақлаган, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган механик-ҳайдовчилар мусобақа ғолиби деб ҳисобланади.

Тўрт қаторли пахта териш машинасида 450 тонна ва ундан ҳам кўпроқ, икки қаторли машинада 300 тонна ва ундан кўпроқ пахта терганлар биринчи ўринни олади. Тўрт қаторли машинада 350 тонна ва ундан кўпроқ, икки қаторли машинада 200 тонна ва ундан кўпроқ пахта терганларга иккинчи ўрин берилади. Тўрт қаторли машинада 300 тонна ва ундан кўпроқ, икки қаторли машинада 170 тонна ва ундан кўпроқ пахта терганларга учинчи ўрин берилади.

Қишлоқ хўжалик йили якунида энг яхши натижага эришган механизаторларни рағбатлантириш учун имтиёзли шартларда 300 та туристик путёвка ажратилди. Механик-ҳайдовчила р н и н г социалистик мусобақасига Узбекистон касаба союзлари республика Совети Президиуми «Ҳосил байрами»да якун чиқаради.

АНДИЖОНДА ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Область партия комитети ва область ижроия комитети Андижоннинг 620 минг тонналик улкан хирмони учун ҳал қилувчи кунлар бошланиши арафасида меҳнаткашларнинг маданий дам олишларини намунали уюштириш мақсадида анъанага айланиб қолган «Андижон ерининг саховати» кўрик байрамини ўтказишни тавсия этдилар.

Уста пахтакорлар эли — Андижонда «Ҳосил байрами» тантаналари бир неча кун давом этди. Колхоз дала шийпонларида, боғларида, спорт майдонларида, шаҳар маданият ва истироҳат боғларида, ҳар бир колхоз хонадонида, дам олиш уйларида, бульварларда, тоғ этакларида — ҳамма-ҳамма жойда деҳқонлар ўз меҳнат нашидаларини сурдилар. Байрам кунлари оммавий спорт ўйинлари, миллий кураш, дорбозлар ва бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари бўлди. Боғишамол дам олиш зонасида она-Ер саховати — ширин-шакар қовун-тарвузлар, мева, узум ва полиз маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Областда халқ хўжалик соҳасида эришилган ютуқларга бағишланган кўргазма Навоий номли истироҳат боғида намойиш қилинди.

Андижонлик деҳқонлар энди теримга шай бўлиб, енг шимарганлар.

Р. ИСҲОҚОВ,
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

МАШЪАЛ ХЎЖАЛИКДА

ШУРЧИ. «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози Сурхондарё областидаги йирик хўжаликлардан саналади. Совхоз миришкорлари ўтган беш йилликда пландаги 38500 тонна ўрнига 43800 тонна «оқ олтин» етиштирган эдилар. Ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан йиғиб-териб олишганди.

Совхоз меҳнатсеварлари бу йил гектаридан 42 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олишга шайланган. Хўжаликдаги 12 та пахтачилик бригадаси аъзолари эса 50-55 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишяпти.

«ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози меҳнат аҳли бу йил 10 минг тонна пахта, 149 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 85 центнердан мактажўхори дони, 336 гектар беданинг ҳар гектаридан 250 центнердан беда ҳосили олишга ҳаракат қилишяпти.

О. УЛУҒОВ.

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

ЁШЛАРНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШДА ПЕДАГОГИКА БИЛИМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Янги кишини камол топтириш коммунистик қурилишда партиянинг асосий вазифаларидан биридир. Жамиятнинг моддий-техника базасини яратмай туриб, коммунизм қуриб бўлмаганидек, бу вазифани ҳал этмай туриб ҳам янги жамиятни қуриб бўлмайди. Партия XXV съезди алоҳида таъкидлаб ўтган бу вазифа ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Бу улуғвор вазифани амалга ошириш учун янги кишини шакллантириш қонуниятларини аниқ-равшан билиб олишимиз керак. Айниқса, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишида бевосита банд бўлган кишилар буни билиши зарур. Тарбиячиларнинг бу армияси инсонни камол топтиришнинг махсус билимлари билан қуролланган бўлиши керак, бусиз А. С. Макаренконинг ибораси билан айтганда «кўп нарсаларни йўқотишимиз мумкин».

Педагогика билимларини билиш зарурати бизнинг кунларимизда, ёшларимиз олдида Лениндек яшаш, ишлаш, курашиш вазифаси, ҳақиқий коммунистлар бўлиб етишиш вазифаси қўйилган бир пайтда аниқса кучаймоқда. Бу вазифанинг қанчалик мураккаблиги равшан. В. И. Ленинга хос бўлган фазилатлар — самимийлик, оддийлик, камтарилик, юксак принципиаллик, ўртоқларча муносабат ва талабчанлик, кишиларга ҳурмат ва ишонч билан қараш, уларнинг тақдири учун қайғуриш — бу фазилатлар «замонамизнинг янги сифатлари»дир. Буларни совет граждани нинг янги сифатларини очиб берадиган фан — педагогика орқали шакллантириш мумкин.

В. И. Ленининг умрдоши ва сафдоши Н. К. Крупская педагогика тўғрисидаги программа лойиҳасининг муҳокамасида «педагогика — ёш авлодни ва катталарни тарбиялаш тўғрисидаги фан» деб таъкидлаган эди. Бу фикр мамлакатимизнинг қатор йирик педагог олимлари томонидан қизғин маъқулланган эди. Бироқ, ҳалигача педагогика дарсликларида бу фан ёш авлодни тарбиялаш тўғрисида фикр юритади, деган гап юради. Коммунизм қурилиши шароитида катталар тарбияси ҳақидаги фан асосларини ҳам ишлаб чиқиш зарурати кўндаланг қилиб қўйилмоқда. Зотан, бу фикр КПСС XXV съезди ҳужжатларида ҳам таъкидланиб, ҳозирги шароитда болалар ва ёшларнинг тарбиясига, совет кишиларининг гоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиясига комплекс ёндашиш керaклиги айтилган.

Педагогика фани тарбия ва ўқитишнинг қонуниятларини очиб бериш билан бирга ёшларнинг коммунистик дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Табиат, жамият ва инсон тўғрисидаги билимларни эгаллаган айрим йигит ва қизлар ўзларининг камол топиш қонуниятларини яхши билмайдилар. Буни билиш эса ниҳоятда зарур.

Совет педагогикаси марксча-ленинча методология негизига асосланган бўлиб, унинг ҳаётий кучи мана шу мустаҳкам пойдевордадир. Педагогика янги жамият қурилишининг ҳамма босқичларида актив куч бўлиб майдонга чиқди. Марксча-ленинча педагогиканинг асосий қоидаларини билиш ёшларга табиатни, жамиятни ва ўзларини қайта қуришда ғайратшижоат бағишлайди, буржуча пропагандистларининг тузумимизга зўр бериб қилаётган хуружларига зарба беришимизда ёрдамлашади.

Коммунистик тарбияда марказий ўринлардан бири ахлоқий тарбиядир. Бутун тарбия, таълим иши ва ҳозирги замон ёшларини билимли қилиш иши коммунистик ахлоққа асосланиши керак, деб таълим берган эди доҳийимиз В. И. Ленин. Ҳақиқатан ҳам, педагогика билимлари коммунизмнинг актив қурувчиси учун зарур бўлган юксак ахлоқий фазилатларни ёрқин ва чуқур тушуниб олишга ёрдам беради, ҳар бир инсон шахсида бу фазилатларнинг шакланиши ва қонуниятларини тўғри тушуниб олишга кўмаклашади.

Инсоннинг ахлоқий камол топиши имкониятлари чексиздир. Бу ўринда «Камол топиш ниҳоясига етди. Инсоннинг зарур фазилатлари шакланиб бўлди» дейиш сира ҳам мумкин эмас. Инсон яшар экан, у ишчими ё дунёга машҳур олимми, буидан қатъий назар, унинг ахлоқий камол топиш жараёни давом этаверади. Бу жараён ўзида ва унинг атрофидаги одамларда янги кишини шакллантириш учун доимий курашдан, коммунизм идеалларининг тантанаси учун курашдан иборат жараёндир.

Янги инсон учун курашишнинг, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига беминнат хизмат қилишнинг намунаси сифатида ажойиб ленинчи педагоглар — Н. К. Крупская, А. В. Луначарский, А. С. Макаренко, В. А. Сухомлинский ни кўрсатиш мумкин. Уларнинг инсон камолоти йўлида кўрсатган ахлоқий жасоратини очиб бериш ёшлар ўртасида педагогика билимларини пропаганда қилишнинг муҳим қисми бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Яқинда марказий газеталардан бирида бир студент йигитнинг мактуби босилиб чиқди. Бизнинг асримиз ёшлардан «тор мутахассислик»ни талаб қилади, шу боисдан маданий савияни кейинроқ, пенсияга чиққач ҳам оширса бўлаверади, деб фикр юритади ўша студент. Демак, у асримиз инсонидан нималар талаб қилишини яхши тушунмайди. Ҳолбуки, бугунги кун инсондан биринчи навбатда голт билимдон бўлишни, эстетик, сиёсий, жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама камол топишни талаб қилади. Тарбия программасининг бошқа бўлимлари каби эстетик тарбияни «пенсия ёши»гача ташлаб қўйиш мутлақо ярамайди.

Ёшларнинг умумий маданий савиясини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг бўш вақтдан оқилона фойдаланишларига боғлиқ. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМ XVII съездида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: **«Ёшлар бўш вақтдан рационал фойдаланишни ўрганиб олишлари гоят муҳимдир. Ишёқмаслик, ичкиликбозлик, вақтни ўтказиш учун шундай қилиш ёш умрни беҳуда ўтказишдир. Кейин аттанг деган билан фойдаси бўлмайди. Аксинча, ўз дунёқарашини кенгайтириш, маданий савиясини ошириш, сиёсий тайёргарлигини чиниқтириш, жонажон диёрини билиш, жисмоний чиниқиш — буларнинг ҳаммаси қимматбаҳо капиталдир. Ёшликда тўпланган ва йиллар ўтган сари доимо тўлдириб бориладиган бу хазина сизларга бутун умр бўйи хизмат қилади».**

Ҳозирги фан-техника революцияси шароитида ўрта мактаб ҳам, олий мактаб ҳам умр бўйи етадиган билим беролмайди. Зотан, ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида таъкидлаганидек, **«Одам учун зарур бўлган билимлар ҳажми кескин равишда тез ошиб бораётган ҳозирги шароитда фактларнинг муайян мазмунини ўзлаштиришни асосий вазифа қилиб олишнинг ўзи энди кифоя қилмай қолди. Ўз билимларини мустақил равишда тўлдира бориш, илмий ва сиёсий информациянинг тез кўпайиб бораётган оқими орасида йўл топиб ола билиш маҳоратини сингдириш муҳим вазифадир».**

Шунинг учун кейинги пайтларда муттасил билим бериш ҳақида кўп гап бўлмоқда. Бундай шароитда ёшларга педагогика билими беришнинг энг рационал усулларини ўргатиш зарур. Ёшларни тарбиялашнинг муҳим вазифаларидан бири уларни оилавий турмуш кечиришга тайёрлашдир. Бахтиёр ва мустаҳкам оиланинг яратилиши коммунизм сари бораётган бутун жамиятимизни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Маълумки, бола характери асосан беш ёшидан шаклланади. Демак, шахснинг асосий фазилатлари шу ёшдан пайдо бўла бошлайди. Гўдаклар учун ота ва она бамисоли мезон бўлиб хизмат қилади. Улар ҳар жиҳатдан ота-оналарига ўхшашга интилишади. Ота-оналарининг шахсий намунаси, оилада қарор топган ўзаро муносабати бола тарбиясининг асосий омилларидандир. Ота-оналар болаларига ўзларининг ҳаётий тажрибаларини ўргатишлари, рўзғор ишларини бажаришни сингдиришлари, укалари ва сингилларига қараш, ғамхўрлик қилишни ўргатишлари зарур.

Ўтмиш мутафаккирлари педагогика масалалари ҳақида тўхталиб, ёш авлодни тарбиялашда меҳнатнинг ролини юксак баҳоларди. Коммунизм қурилиши шароитида меҳнат тарбияси масалалари педагогика назарияси ва практикасининг ўзагини ташкил этади.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш билан боғлиқ бўлган социал ва ахлоқий психологик фазилатларнинг шакланиш проблемаси биринчи навбатда ёшларга тааллуқлидир. Негаки, ҳозирги вақтда СССР халқ хўжалигида банд бўлганларнинг қариб учдан бир қисмини ёшлар ташкил қилади, баъзи соҳаларда эса ёшлар ҳиссаси 40 процентдан ҳам ошиб кетади. Ҳар йили ишчилар синфи ва колхозчи-деҳқонлар сафига 3,5 миллиондан зиёд йигит ва қизлар қўшилмоқда.

Ҳар бир ёш кишининг мустақил ҳаётга кириб келиши, унинг янгидан меҳнат тарбияси кўришини, меҳнат фаолиятига тайёрланишини ва бу жараёнга қўшилиб кетишини тақозо этади. Бунинг устига, жамиятимиз тараққиётининг ҳар бир янги босқичида коммунистик қурилиш вазифалари кишилар олдига янгидан-янги юксак талаблар қўяверади. Бугунги кунда ёшларнинг меҳнатга виждонан муносабатда бўлишигина кифоя қилмайди. Улар мумкин қадар кўпроқ ташаббус кўрсатишлари, ижодларини намойиш қилишлари, меҳнат активлигини кучайтиришлари даркор.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифасини ҳал этишда педагогика билимларини пропаганда қилиш муҳим ўрин тутади. В. А. Сухомлинский айтганидек, педагогика барча учун тааллуқли фан бўлиши лозим. Бизнинг мамлакатимизда педагогика билимлари турли йўллар билан кенг пропаганда қилинмоқда. «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да ҳам халқ университетларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Мамлакатимизда педагогика билимлари халқ университетлари жами халқ университетларининг тўртдан бир қисмини ташкил қилади. Улар педагогика билими асосларини эгаллаш, коммунистик тарбия ва таълим принципларини чуқур ўзлаштиришда бебаҳо ёрдам бермоқда.

Биз ёшларга педагогика билимларини, тарбия санъатини А. С. Макаренко, В. А. Сухомлинский сингари доноларнинг бисотини ўргатиш билан янги даврнинг актив гражданларини тарбиялаш ишига асос яратамиз, КПСС XXV съезди белгилаб берган коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

С. РАЖАБОВ,
СССР Педагогика фанлари академиясининг академики, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг умумий педагогика кафедраси мудири.

СИЕСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ ЧОП ЭТДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди иши тўғрисидаги стенографик ҳисоботнинг учинчи, якунловчи томини босиб чиқарди. Китобга чет эллардан съездга келган меҳмонларнинг партия ташкилотларида сўзлаган табрик нутқлари текстлари ҳамда чет эл партиялари ва ташкилотларидан съезд номига юборилган табрикномалар киритилган.

Том охирида КПСС XXV съездида сўзга чиққан нотиқларнинг номлари ва партия ташкилотларида нутқ сўзлаган съезднинг чет эллик меҳмондари номлари кўрсатиб берилган. (ТАСС).

УЗБЕК МЕТАЛЛУРГЛАРИНИНГ БУЮРТМАСИ БИЛАН

«Грузгипромез» институтида Ўзбекистондаги Бекобод металлургия заводида қуриладиган электр пўлат эритиш цехининг лойиҳаси тузиб бўлинди. Грузин лойиҳачилари ўзбек металлургларининг бошқа буюртмаларини ҳам бажариб бермоқдалар. Улар металлургия заводини реконструкция қилиш лойиҳасини тугаллашмоқдалар. Реконструкция лойиҳасига мувофиқ бешта янги пўлат эритиш печи, заготовкани узлуксиз қуйдиган тўртта машина ўрнатилади, цехлар механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. Шу туфайли корхонанинг қуввати деярли беш баравар ортади.

(ТАСС мухбири).
Рустави.

СОВЕТ ҲАРБИЙ КЕМАЛАРИНИНГ ФИНЛЯНДИЯГА ВИЗИТИГА ДОИР

Узаро келишувга мувофиқ контр-адмирал Л. К. Зарубин қўмондонлигидаги икки денгиз тралышчиғда иборат совет ҳарбий кемалари отряди расмий дўстлик визити билан 2 сентябрдан 7 сентябргача Финляндиянинг Оулу портида бўлади.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ТАССНИНГ ЯКШАНБА КУНГИ АХБОРОТЛАРИ

ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИК

◆ ПРАГА

Словакия қишлоқ хўжалиги ходимларининг Нитрада ўтказилган митингида ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак сўзга чиқиб, бундай деди: мамлакатимизнинг озодлиги ва хавфсизлиги, умуман мувафақиятли ривожланиб бораётганлиги СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам иттифоққа айланади. Кейинги вақтларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг раҳбарлари билан ўтказилган учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ишонч, дўстлик ва садоқат нақадар чуқурлигини кўрсатди. Бизнинг яхши ва содиқ дўстларимиз бор, биз доимо уларга таяна оламиз.

«НЕПСАБАДШАГ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

◆ БУДАПЕШТ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг ВСИП Марказий Комитети Биринчи секретари Я. Кадар билан Қримдаги учрашуви Венгрия Халқ Республикаси учун жуда муҳим воқеадир, деб ёзади Венгрия Социалистик ишчи партиясининг марказий органи — «Непсабадшаг» газетаси.

Бу учрашув, деб таъкидлайди газета, самимият ва дўстлик, муҳокама этилган ҳамма масалалар юзасидан яқдиллик ва фикрларнинг тўла бирлиги руҳида ўтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртасидаги бундай музокаралар мунтазам ва анъанавий тус олганлигини биз мамнуннят ва қувонч билан қайд эта оламиз. Олий даражадаги бу учрашувлар — иккала қардош партия ўртасидаги, иккала социалистик мамлакат ўртасидаги уйғун ҳамкорликнинг таркибий қисмидир.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ УЗАЙТИРИЛДИ

◆ ЛИМА

Перу ҳукумати Лимада ва Перунинг бошқа шаҳарларида контрреволюцион унсурлар ҳукуматга қарши бошлаган тўполон ва тартибсизликлари муносабати билан шу йил 1 июлда жорий этилган фавқулодда ҳолат муддатини яна 30 кун узайтирди.

Бу ерда тарқатилган расмий ахборотда шу нарса уқтириб ўтилдики, «ҳукуматни жамоат осойишталиги ва тартибини гарантиялаш учун тегишли чораларни кўришга мажбур қилган сабаблар» ҳозирги вақтда ҳам бартараф этилгани йўқ.

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

◆ БАЙРУТ

Ливаннинг турли районларида жанглар давом этмоқда. Мамлакат пойтахтида ва унинг теварак атрофларида, Байрут шарқидаги тоғлик районларда, шунингдек мамлакат шимолидаги Триполи шаҳри яқинида давом этаётган қуролли тўқнашувларда артиллерия ишга солинмоқда. 28 август куни Ливан фронтларида 160 дан ортиқ киши ҳалок бўлди.

(ТАСС).

ЯНГИ СТОКГОЛЬМ ХИТОБНОМАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

АККРА, (ТАСС). Гана тинчлик ва бирдамлик кенгаши мамлакатнинг катта ёшдаги бутун аҳолисини жаҳон тинчлик кенгашининг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш ҳақидаги янги Стокгольм Хитобномасини яқдиллик билан имзолашга даъват этди.

Шу муносабат билан ҳукуматнинг «Ганиэн Таймс» газетаси қуйидагиларни ёзди: жаҳондаги тараққийпарвар кучлар, аввало Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар қуролланиш пойгасига чек қўймоқ учун кўп куч-ғайрат сарф қилмоқдалар. Аммо тинчликнинг ва халқаро кескинлик юмшатилишинги душманлари бунга халақит бериш учун ҳар қандай йўллар билан уринмоқдалар. Улар конфронтация ва ялпи қирғин воситаларини кўпайтириш сиёсатини давом эттирмоқдалар.

Қуролланиш пойгасига чек қўйиш йўли билан гина, деб таъкидлайди «Ганиэн Таймс» газетаси, кескинликни юмшатиш жараёнини муқаррар давом этадиган жараёнга айлантириш мумкин. Газета аҳолини бутун мамлакатда янги Стокгольм Хитобномасини қўллаб-қувватлаш учун кенг кампанияни авж олдириб юборишга даъват этади.

Планетадаги барча тинчликсевар кучлар, дейилади мақолада, ядро қуролини гақиқлаш, ёппасига ва батамом қуролсизланиш йўлидаги курашда ўз куч-ғайратларини бирлаштиришлари керак. Қуролланиш пойгасини тўхтатишга, қуролсизланиш ва кескинликни юмшатишга бағишланган жаҳон конференцияси бу йўлда муҳим қадам бўлиб қолиши керак.

Ольстерда «тартиб ўрнатиш» ниқоби остида 14,5 мингдан зиёд инглиз солдатлари жиноий ишларни амалга оширмоқдалар. Бу Шимолий Ирландиядаги маҳаллий аҳоли ўртасида катта норозилик уйғотмоқда. Суратда: инглиз солдатларидан бири Белфаст кўчасида.

Камера Пресс—ЮПИ—ТАСС фотоси.

РУС ТИЛИ МУАЛЛИМЛАРИНИНГ КОНГРЕССИ ТУГАДИ

ВАРШАВА, 28 августда. Польша пойтахтида рус тили ва адабиёти муаллимларининг III халқаро конгресси ўз ишини тамомлади. Муаллимларнинг жаҳон учрашувида Пушкин ва Ленин тилини ўқитишнинг методология, лингвистика, психология ва мамлакатшунослик жиҳатлари, тилни ўргатишда бадиий адабиётдан фойдаланиш, таълимнинг техникавий воситаларини қўлланиш масалалари, шунингдек турли мамлакатларда рус тили ва адабиётини ўқитишни ташкил этиш формалари батафсил муҳокама қилинди.

Учрашувда қабул этилган резолюцияда конгресс қатнашчилари номига самимий табрикнома йўллаганлиги учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга миннатдорчилик изҳор қилинди.

Конгресс, дейилади резолюцияда, катта илмий гадбиргина бўлиб қолмай, шу билан бирга зўр ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ҳам бўлди. У рус тили ва адабиётни муаллимларининг олижаноб меҳнати халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, тинчликни сақлашга, халқаро кескинликни тағин ҳам юмшатишга, социал тараққиётга ёрдам бераётганлигини яққол исботлади.

Варшавада тўпланган мутахассислар ҳозирги дунёда рус тилини ўрганишга қизиқиш кучайиб бораётгаллигини қайд этдилар. 1969 йилда рус тили ва адабиёти муаллимларининг биринчи халқаро конференцияси Москвада ўтказилган пайтда 31 мамлакатдаги 14 миллионга яқин киши рус тилини ўрганар эди, ҳозир дунёнинг қариб 90 давлатида яшовчи 20 миллиондан ортиқ киши рус тили ва адабиётини ўрганмоқда.

Резолюцияда таъкидлаб ўтилганидек, Варшавада ўтказилган халқаро анжуман жаҳон русистикасини янада ривожлантиришга, рус тили ва адабиётини ўқитишни илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга катта таъсир ўтказади

(ТАСС).

ХИТОЙ ХАЛҚИНИНГ ТУБ МАНФААТЛАРИГА ЗИД

Маоизм хатарли контрреволюцион кучга айланди, деб ёзади «Коммунист» журнали ҳозирги Хитой раҳбарларининг сиёсатига бағишланган мақолада. Журналнинг 12-сонида эълон қилинган шу мақолада бундай дейилган: Пекиндаги маочиларнинг йўли эндиликда кўпчилик социалистик давлатларга ошкора қарши қаратилган бўлиб, Ғарб мамлакатларидаги милитаристлар ва халқаро кескинликни юмшатиш душманларидан тортиб иркчи Жанубий Африка ва Чилидаги фашист ҳукмронларигача бўлган энг ўтакетган реакция позицияси билан бевосита қўшилиб кетмоқда. Бу йўл социалистик принциплар ва идеалларга ёт бўлибгина қолмай, аслида империализмнинг коммунизмга қарши курашида унинг муҳим резерви ҳам бўлиб қолди. Мао Цзэ-дуннинг сиёсати шунга олиб келдики, Хитойдаги социалистик ғалабалар реал равишда таҳлика хавфи остида қолди. Пекин раҳбарлари социализм қура бошлаган Хитой меҳнаткашларини революциянинг кўпгина бебаҳо самараларидан маҳрум қилдилар. Маочиларнинг практикаси натижасида Хитой жамияти социализм билан капитализм оралиғидаги сиёсий дудмал ҳолатда қолди. Бундай аҳвол чексиз давом этаверади мумкин эмаслиги табиий. Маочилар режими шафқатсизлашиб бормоқда, Хитой меҳнаткашлари ғарданига тушаётган маҳрумликлар ва мушкулликлар ҳаддидан ошмоқда. Бу эса меҳнаткашларнинг маочилар сиёсатига қаршилигини кучайтирмоқда. 1976 йилнинг баҳори шу жиҳатдан жуда диққатга сазовор бўлиб, Хитой халқининг маочиларга қарши курашида янги саҳифа очди.

5 апрель куни Пекиннинг қоқ марказида — Тяньэньмиэнь майдонида, Мао Цзэ-дун қаҳрамонларига бевосита яқин жойда ва давлат ҳокимият органлари жойлашган Халқ мажлислари уйи атрофида халқ ғалаёни бошланди. Хитойнинг расмий маълумотларига қараганда бу ғалаёнларда 100 минг киши қатнашди. «Жэньминь жибао» газетасининг хабар қилишича, шу ерга тўпланган кишилар Мао Цзэ-дунга қарши «тиг ўқталдилар». Бу ғалаёнларни бостириш учун 20 минг «лашкар» (маочиларнинг ҳарбийлашган отряд лари), полиция ва сокчи қўшинлар юборилди. Меҳнаткашлар уларга қаттиқ қаршилик қилдилар, ҳатто қўл жанги бошланиб кетди, автомашиналарга ва шу яқинда жойлашган ҳарбий казармага ўт қўйилди. Ўнлаб киши ўлди ва жароҳатланди, юзлаб киши қамоққа олиниб, жазоланди.

Маочилар пропагандаси Хитой жамоатчилигини маъжуд режимдан норозилик билдиришнинг турли кўринишлари тўхтатилмаса, яна қурол ишлатилади, сўз эркинлиги бундан ҳам кескин қўйилади, деб дағдаға қилмоқда. Хитойдаги аҳвол кун сайин ёмонлашяпти, деган кишилардан, миллий экономика, маданият, фан ва техникани ривожлантириш йўлида катта тўсиқ бўлиб қолган раҳбарликнинг илм-фанга зид бўлган ҳалокатли методларини қоралаётган кишилардан ўч олинмоқда. ХКП VIII съезди нинг 20 йиллиги ва «маданий революциянинг» ўн йиллиги оралиғида айтилаётган шу пўписалар Мао Цзэ-дун ва унинг тарафдорлари сиёсий жиҳатдан муайян даражада абгор бўлганлигидан далолат беради. Хитой коммунистлари Хитой манфаатларини кўзлаб, 1956 йилда қабул қилган соғлом сиёсий йўлга қайтишни, Совет Иттифоқи билан, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларни нормаллаштиришни ҳаётнинг ўзи, объектив воқелик тобора кучлироқ талаб қилмоқда.

Маочиларнинг режими каби маочиларнинг сиёсати ҳам Хитой халқининг туб манфаатларига мутлақо зиддир, шу боисдан ҳам бу сиёсатнинг келажаги йўқ. Сиёсат ва идеология сифатида маоизм Хитойнинг ўз ички проблемалари доирасидангина эмас, жаҳон социалистик системаси ва ҳар тарафлама ҳаракат доирасидан ҳам четга чиқиб, антикоммунизм билан тил бириктирди, кескинликни юмшатиш душманига, янги жаҳон урушининг ҳақиқий жарчисига айланди. Шунинг учун ҳам КПСС XXV съезди таъриф берган зазифалар:

— Пекиннинг ўт ёқувчилик сиёсатига зарба бериш,

— Совет давлатининг, социалистик ҳамдўстликнинг, жаҳон коммунистик ҳаракатининг манфаатларини қимоя қилиш,

— маоизмга қарши курашни, принципиал, муросасиз курашни бундан бўён ҳам давом эттириш вазифаси ҳаётий муҳимдир.

Бу — маочилар сиёсатининг социализм, демократия ва тинчлик ишига солаётган ҳар қандай хавф-хатаридан ва кутилмаган ғаламисликларидан омон сақлайдиган энг яхши гаровидир. Бу — маочилар истибдодига қарши курашга отланаётган ХҲР коммунистлари ва меҳнаткашларига берилган принципиал ёрдам ҳамдир.

Партиямиз масалани шу тарзда қўйиш билан бирга, дейилади мақолада, Совет — Хитой муносабатларини тинчтотув яшаш принциплари асосида нормаллаштиришга тайёр эканлигини ҳам тасдиқлади. Бундан ташқари, Совет—Хитой муносабатларини социалистик интернационализм негизида ривожлантириш имкониятини ҳам истисно қилмайди. Аммо бунинг учун Пекиндагилар ҳақиқатан ҳам марксизм-ленинизмга асосланган сиёсатга қайтишлари, социалистик мамлакатларга душманлик йўлидан воз кечишлари, социализм дунёси билан ҳамкорлик ва бирдамлик йўлига ўтишлари лозимлиги ўз-ўзидан равшан.

(ТАСС).

ДЕҲЛИДА АДАБИЙ КЕЧА

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Таниқли адабий танқидчи, шоир ва таржимон З. Ансорий Жавоҳарлал Неру номли университет ҳузуридаги рус тадқиқотлари марказининг адабиёт клубида нутқ сўзлаб, рус ва совет ёзувчиларининг асарлари ҳинд китобхонига яқин ва тушунарли, бу асарларнинг юксак гражданлик пафоси, ватанпарваллиги, порлоқ идеаллар учун, озодлик учун курашга даъвати Ҳиндистоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги учун азиздир, деди.

А. С. Пушкин ва А. П. Чехов танланган асарларнинг янги икки китоби урду тилида чиқарилганига бағишлаб бу ерда ўтказилган кечада таниқли ҳинд ёзувчилари, жамоат арбоблари, олимлар ва студентлар, рус ва совет адабиёти билан яхши таниш бўлибгина қолмай, балки ўзлари ҳам шу адабиётни Ҳиндистонда оммалаштириш учун кўп иш қилаётган кишилар ҳозир бўлдилар.

Кеча А. С. Пушкин асарларидан парчалар ўқиб бериш ва А. П. Чехов пьесаларидан олинган айрим кўринишларни рус тадқиқотлари марказининг студентларининг ижросида кўрсатиш билан тугади.



Республикамиз боғлари ва полизларида ғарқ пишиқчилик. Қуёшдан нур эмиб бол тўплаган узумларни узиш, олма, шафтоли ва ноклар-ни териш авжида. Тилимни тил ёрар қовун-тарвузлар ҳам шаҳарликлар дастурхонига пешма-пеш жўнатилмоқда. Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхозининг чўл қўйнида янги ташкил қилинган боғида олма ва узум ғарқ пишди. Соҳибкорлар меваларни шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилмоқдалар. Чапдаги суратда (юқорида) боғбон қиз Ойтош Имомова, пастда эса чўлда пишган олмалар. Арнасой районидаги Ғафур Ғулом номли совхозининг 4-бўлимида 50 гектар ерда мўл-кўл қовун-тарвуз етиштирилди. Ҳар гектардан пландаги 16 тонна ўрнига 25 тоннадан қовун-тарвуз йиғиштириб олинмоқда. Ўнгдаги суратда (юқорида) бригада бошлиғи Назар Жўраев полизда. Пастда эса жўнатишга ҳозирлаб қўйилган қовунлар.

А. Тўраев фотолари.

ИККИ ҚУШИҚ

Ўткир РАШИД

МЕНИНГ ОППОҚ МОМИҒИМ

Ҳай-ҳай, мана, юзинг очдинг менинг оппоқ момиғим,
Ҳар эрта-кеч кутган эдим сени, юзи ёниғим.
Сен юз очиб ойдин бўлди коронғу тун кўзимда,
Севинчларим тошиб кетди, йўқман, қара, ўзимда.

Чиғит эдинг, ундирмоққа бўлдим сенга парвона,
Ҳам жон бўлдим, ҳам гўдакка сут бергувчи бир она,
Юзни ёруғ қилгандайин яхши фарзанд онанинг,
Сени шундоқ кўрмоқликка чанқоқлиғим қондирдинг.

Ҳар тупингда маржон-маржон ёниб кетди шамчироқ,
Ён, шамчироқ, ёнавергин, ёнавергин, ён тезроқ.
Шайман, сени термоқликка кишнаб турибди отим,
Мушкулимни осон қилар бу от—пўлат қанотим.

МАККАОЙИМ

Маккаойим, етилибсан менинг дўмбоқ ёримдай,
Донинг бирам тўлишибди худди қайн аноримдай.
Сени кўрмоқ учун кирдик биз поялар оралаб,
Сен турарсан сочинг ёзиқ, қиз боладай мўралаб.

Ҳар пояда болалабсан, болаларинг тенг—бирдай,
Ҳар томондан осилибсиз, поялар нақ сингудай.
Либосингни тортиб кўрсак сутга чўмилгандайсан,
«Кимки менинг қадрим билса мен ҳам бир олтин» дейсан,

Садаф тишдай терилибди донинг саф-саф, бир жаҳон,
Дейсан «тишдай авайласанг ҳам мен дону, ҳам мен нон».
Яна дейсан «қадрим билиб қилди деҳқон парвариш,
Мен ҳам гўшт, ҳам сут, ҳам ёғман сизлар учун ёзу қиш».

САҲИФАДА:

◆ УЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ
◆ ДОНОЛАР БИСОТИДАН
◆ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ
◆ ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИКДА

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Шу йил 1 сентябрдан 30 сентябргача йўл ҳаракати хавфсизлигининг Бутуниттифоқ кузги кўриги ўтказилади. Мухбиримиз шу муносабат билан Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг ўринбосари, милиция генерал-майори Ш. Р. ҲАСАНБОЕВга мурожаат қилиб, ойлигининг асосий вазифалари ва мақсадлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Кузги ва қишки йўл ҳаракати баҳор ва ёздагидан анча фарқ қилади. Йўлларнинг кўриниши ёмонлашади, ёғингарчилик сероб бўлади, изғиринли кунлар бошланади. Буларнинг ҳаммаси транспортдан фойдаланишни қийинлаштиради. Кўрикдан мақсад — транспорт воситаларини мана шундай шароитларда ишлашга тайёрлаш ва йўлларни яхши ҳолга келтиришдан иборат.

Шу йил апрель ойида ўтказилган Бутуниттифоқ кўриги яхши натижалар берди. Кўча тасодифлари кескин камайди. Тошкент, Сирдарё, Наманган областлари ва Қорақалпоғистон АССРда бу борада иш айниқса кўнгилли бўлди.

Кўрикни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги кўча ҳаракати республика комиссияси зиммасига юклатилган.

Комиссиянинг кўрсатмасига биноан, кўпчилик корхоналарда, муассасаларда, ташкилотлар ва автомобиль хўжаликларида йўл ҳаракатининг аҳволи пухта таҳлил қилинди. Шу асосда кўча транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тадбирлари белгиланмоқда. Жойларда шоферлар, ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар билан йиғилишлар ўтказилади. Бу йиғилишларда кўча ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳамда магистраллар ва интизомни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилади.

Кўрик даврида шаҳарларда ҳамда район марказларида илғор шоферлар, механиклар, жамоатчи автоинспекторларнинг слётлари ўтказилиб, унда авариясиз ишлаш тажрибаси ўртоқлашилади. Йирик автохўжаликлар ўртасида намунали машина ҳайдаш юзасидан мусобақалар ўтказилади. Мусобақа ғолиблари тақдирланади.

Бу ишда «Автомобиль ҳаваскори» жамияти аъзолари бизга катта ёрдам беришга даъват этилганлар. Улар шахсий машина эгалари ўртасида тарбиявий ва тушунтириш ишларини ҳаракатлантиришлари лозим. Кўча ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда кўнгилли халқ дружиналари, автомобиль ва шаҳар электр транспорти ҳаракати хавфсизлигини жамоатчилик асосида контроль қилувчи комиссиялар фаол қатнашмоқдалар.

Кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик — ҳаракат хавфсизлигини бузишнинг асосий сабабчисидир. Кўп фалокатлар машинани маст ҳолатда ҳайдашдан келиб чиқади. Масалан, геология экспедицияси шофери В. Байменов 08—07 БХИ машинасини маст ҳолда ҳайдаб кета туриб, Зарафшон шаҳри кўчаларидан бирида велосипедчини оғир жароҳатлади. Балиқчи районидаги «Партия XXV съезди» колхози аъзоси М. Тўхтаев маст ҳолда мотоциклга миниб кўчага чиққан. Йўлнинг чап томонидан мотоциклни ҳайдаб, қаршидан келаётган прицепли машинага ўзини урган. Натижада унинг ҳаётини сақлаб қолиб бўлмади.

Кўп фалокатлар тезликни ҳаддан ташқари ошириб ҳайдаш оқибатида юз беради. Хивадаги 70-автобаза шофери Р. Машарипов 26—65 ХЗВ машинасини қаттиқ тезликда ҳайдаб борарди. Тўсатдан олдидан ёш бола чиқиб қолди. Машинани вақтида тўхтатиб қолиш имкони бўлмаганидан бола жароҳатланди.

Яна бир фалокатнинг сабабчиси трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини бошқаришни билмай ҳайдашдир. Яқин орада пахта йиғим-терими бошланиши муносабати билан кўча ҳаракати янада ортишини ҳисобга олиб, бунга алоҳида эътибор бериш керак. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳамда «Узсельхозтехника» бирлашмасига магистрал йўлга чиқишга рухсат бериладиган тракторлар миқдорини камайтириш таклиф этилди.

Хуллас, кўрик даврида ва ундан кейин ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида қилиндиган ишларимиз кўп. Бу ишда кенг жамоатчилик фаол қатнашади ва умумий куч-ғайрат билан кўзланган натижаларга эришамиз, деб ўйлаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАГА

НОВГОРОДДА НАМАНГАН КЎЧАСИ

Новгород областидаги Шимск посёлкасининг янги кўчаси «Наманганская» деб аталди. «Тошкент-1» ихтисослаштирилган механизациялашган колоннанинг меҳнатчилари шу посёлкада ноқоратупроқ зонани ўзлаштирувчилар учун йигирмата уй-жой қуриб бердилар.

Ўзбекистон вакиллари шу йилнинг етти ойи мобайнида бир ярим минг гектардан кўпроқ ернинг захини қочириб, бу майдонга ёпиқ зовур ётқиздилар. Улар қўриқ ердаги «Тошкент» сабзавотчилик-сутчилик совхози учун янги массивларни ўзлаштирмоқдалар. Бу совхознинг лойиҳасини «Узгипроводхоз» институти ишлаб чиққан. Бу хўжалик 3600 гектар ерга эга бўлади. Бу ерда 400 бош қорамол учун ферма, бузоқхона, механизациялаштирилган устахоналар қурилади. Новгород ерида шу совхознинг маиший ва маданий муассасалари комплекси бўлган йирик уй-жойлар посёлкаси қад кўтаради.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бўлинмалари «Узновгородводстрой» бошқармасига мунтазам равишда катта ёрдам бериб турибди. Бу ерга қариб 500 мутахассис юборилди, юздан ортиқ автомашина, бульдозер, экскаватор жўнатилди. Бу машина-механизмларнинг ҳаммаси ҳозир Новгород областидаги Солецкий, Шимский, Волотовский районларида ишлаб турибди. Бу ерда беш йилик мобайнидла 30 минг гектар ернинг захини қочириш, 3 минг гектар ерни суғориш мўлжаллаб қўйилди.

(ЎзТАГ).

ЯХШИ СЎЗ — ЖОН ОЗИҒИ

ФАРЗАНДЛАР БУРЧИ

ФАРЗАНДЛАРНИНГ биринчи ва энг муҳим вазифаси ота-онани ҳурмат ва иззат қилишдир. Бизларни тарбиялаб ўстирган, шу йўлда чексиз машаққатлар тортган, фидокорлинда бўлган ота-онамизга нисбатан қалбимизда ҳурмат ва муҳаббат ҳиссларини сақлашимиз лозим. Бизларнинг келгусида бахтли, саодатли бўлиб умр кечиришимизни кўзлаб жуда кўп изтироблар, қайғу-аламларни бошларидан кечирганларини бир ўйлаб қарасак, уларга нисбатан бажаришимиз мажбур бўлган вазифанинг қиммат ва аҳамияти кўз ўнгимизда яққол кўринниб туради.

Ота-онамизнинг ёрдамга муҳтож бўлганларини сезсак бутун борлиғимиз билан ёрдам беришга шошилайлик. Уларнинг иззат-нафсларини сира ҳам ранжитмасдан бу вазифани бажарайлик. Ота-онамизнинг қадр-қийматларига етиш биз учун энг буюк саодатдир.

Байт:

Ота-онангни ўзингдан рози қил.
Сен уларнинг қадрини хўб яхши бил!
Ҳаётдан олинган бир-иккита мисол келтирамиз.

ОТА МЕҲРИ

Қадим замонда бир одамни ва унинг ўғлини қандайдир бир иш билан айблаб шаҳар ҳокимининг ҳузурига келтирдилар. Айблари исбот этилгач, ўша вақтнинг жазо-қонуни бўйича, шаҳар ҳокими отага ҳам, ўғлига ҳам юз марта қамчи урдилар. Отанинг орқаси моматалоқ бўлиб кетди. Лекин у миқ этмади.

Энди навбат ўғилга келди. Уни ҳам ётқизиб орқасига бир қамчи туширган эдилар, ота йиғлаб дод-фарёд кўтардим, деб жавоб берди. Отанинг сўзи ҳокимга қаттиқ таъсир қилди. Ўғилга қамчи уришни тўхтатиб, ҳар иккисини озод қилди.

Байт:

Ол дуосин отангнинг, топ камол,
Ёр бўлгай давлат — иззат безавол.

ОНА МУҲАББАТИ

Шайх Саъдий айтади: — Онанинг жонпарвар бўйи, яъни қадди-қомати бир дарахт бўлса, фарзанд у дарахтнинг нозанни меваси ва натижасидир. Онанинг кўкси томирлари юрак ичида эмасми? Ҳақиқат кўзи билан қарасак, она сути — унинг юрак қонидир. Шунинг учун фарзандга онанинг меҳр-муҳаббати отага қараганда яна ҳам кўпроқ бўлади. Баъзи фарзандлар ҳаммадан ҳам азиз ва меҳрибон онанинг қадр-қимматини билмайдилар.

Айтишларича, бир ёш йигит онасининг гапига қулоқ солмади, бақириб-чақириб унинг дилига озор берди. Меҳрибон она ўғлининг қилиғидан кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди. Дарҳол ўғли чақалоқлик вақтида ётган бешикни олиб келди. Ўғлининг кўз олдига қўйиб айтди:

— Эй ёшлик, чақалоқлик пайтларини унутган ношиқоф! Мана бу бешикни кўрдингми? Ёш, чақалоқ экансан, шу бешикка сени белаб, кечалари тонг отгунча ухламай тебратардим, ҳалеф йиғлай берсанг бешикдан ечиб олиб, бағримга босиб овутардим. Ешинг улғайиб, жуда кўп кулфат, машаққатлар чекиб сени тарбиялядим. Сени деб куч-қувватдан ажралдим. Сени деб ҳамма қийинчиликларга бардош бердим. Мана энди катта бўлиб куч-қувватга эга бўлдинг, лекин ёшлик ва чақалоқлик даврларингни унутиб, меҳрибон онангга итоат қилмайсан, унинг кўнглини ғаврон қилиб, кўз ёшларини тўктирасан. Ўндай қилма, ўғлим, она муҳаббати нақадар зўр ва чексиз эканини унутма. Мен ҳам, отанг ҳам доимо бахтли, саодатли бўлишингни истаймиз. Бизни хафа қилма, дилимизни оғритма, айтганларимизни қабул қилиб, бизни розн қил, дуомизни ол.

Онасининг йиғлаб айтган сўзлари йигитнинг кўнглига ўқдек санчилди, қилган қилиғига пушаймон бўлди. Онасини қучоқлаб юз-кўзидан ўпиб. йиғлаб узр айтди. Она эмасми. Ўғлининг гуноҳини кечириб, унинг юз-кўзларидан ўпиб, ҳақига дуо қилди.

Байт:

Жон қулоғинг бирла тингла, моҳи тобондир онанг,
Бахт-иқболинг самосинда дурахшондир онанг!

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

ҲОДИСА

«ОЛТИН БАЛИҚ»

Қармоқ — овчиларнинг энг қадимий иш қуроли десак муболаға бўлмас. Замонлар ўтган сари иш қуроли ҳам такомиллаша борди. Эндиликда жуда мустаҳкам материал — капрондан тўр ясалиб, балиқ тутилмоқда. Лекин бу тўр денгиз ва океанларда ишлатилишини ҳаваскор овчилар яхши билишади.

Ширин шаҳрида истиқомат қилувчи ҳаваскор овчи В. П. Резников бу оддий қоидадан ўзини мутлақо бехабар қилиб кўрсатиб, 42-71 СИЕ «Запорожец» машинасида кўнглига келган ишларни қилаверди.

...Ғарбий Арнасой. Бу ернинг сўлим жойларида қармоқ билан балиқ овлаш баҳонасида табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлишга атайлаб келган кўплаб овчиларни учратиш мумкин. Улар орасида ўзини софдил овчи қилиб кўрсатишга интилувчи содда муғомбирлар ҳам йўқ эмас. Бироқ жамоатчи инспекторларнинг зийрак кўзидан қочиб қутулолмайди. «Узбекрибводнинг оператив группаси Арнасой бўйлаб навбатдаги рейдга чиққанида юқорида белгиси айтилган автомашина атрофида бир неча кишининг гирдикапалак бўлиб юрганига кўзи тушиб қолди. Улар теварак-атрофга ўғринча назар ташлаб, тўрдан катта-катта балиқларни олаётган кишининг ёнига тўғри келаверишди.

Қани энди «ҳаваскор балиқчи» айбига иқрор бўла қолса. Аввалига баланд келиб кўрди, бўлмади. Ҳужжатларини кўрсатиб, исм-шарифини айтишга мажбур бўлди. Балиқ ови унга қимматга тушди. 134 сўм 40 тийин жарима тўлаб, қилмишига яраша жазосини олди. Табиий бойликлар — жамоат бойлиги эканлигини бундай «ҳаваскор овчилар» билиб қўйишлари керак.

М. МАҲМУТОВ,
«Узбекохотриболовсоюз» жамиятнинг фахрий аъзоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

АНГРЕН ШАҲРИДАГИ
150-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1976—77 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Ангрендаги «РЕЗИНОТЕХНИКА» заводи ва «УЗБЕКШАХТОСТРОЙ» трестининг резина техника саноати бўлимига малакали ишчилар тайёрлаб беради.

УҚИШГА 8—10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига ўрта маълумот билан қабул қилинганлар — пресловчи-вулканизатор, резина бирикиргич машинисти, резина техника маҳсулотларини ёпиштирувчи, саноат асбоб-ускуналарининг ремонти бўйича слесарь мутахассисликларини эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш муддати — бир йил.

8-синф маълумотидагилар эса — каландр машинисти, пресловчи-вулканизаторчи, саноат асбоб-ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь, токарь мутахассисликларини эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Қурилиш бўлимига 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотли ёшлар қабул қилинади. Улар ғишт терувчи, пардозловчи-плитачи мутахассислигини ўрганиб чиқадилар.

Ўқиш муддати — 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН ҲАММА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛГАН.

Машғулотлар тажрибали ўқитувчилар раҳбарлигида кенг ва ёруғ аудиторияларда, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кабинетларда олиб борилади.

Билим юрти спорт ва акт залларига, ошхона, ҳоналари икки-уч ўринли ётоқхонага эга. Ҳар бир ўқувчи техника нижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, спорт секцияларида қатнаша олиш имкониятига эга.

Билим юртини битиргач, ўқувчилар имтиёзли шартларда мамлакатимизнинг олий ўқув юртларига ўқишга кирадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради. Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқатланадилар, махсус кийим-бош, ўқув қўлланмалари билан таъминланадилар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАВРИДА ИШЛАБ ТОПИЛГАН МАОШНИНГ 33 ПРОЦЕНТИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗИГА БЕРИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, яшаш жойидан справка, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, иш жойидан ёки ўқиётган жойидан характеристика, 4 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), медицина справкаси, автобиография.

Бизнинг адрес: Ўзбекистон ССР, Тошкент область, Ангрен шаҳар, Чиқризов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 49-52, 65-44, 62-56.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитети

УЧ МАРТА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ АБДУЛЛА НАБИЕВ НОМИДАГИ 1-ФАРҒОНА ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—77 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

слесарь-йиғувчи, механика-йиғув ишлари слесари, токарь, фрезерчи, компрессор қурилмалари машинисти, дурадгор, станоқчи, газ-электр пайвандчи, слесарь-ремонтчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ:

саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, контроль ўлчов асбоблари монтажи бўйича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ЙИЛ.

Ўқиш муддати бир йил бўлган группаларга 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 17—25 ёшли кишилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга 30 сўмдан 37 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш муддати икки йил бўлган группаларнинг ўқувчилари тўла давлат таъминотида бўладилар. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юрти контроль-ўлчов асбоблари монтажи бўйича слесарларни «КАЗАХМОНТАЖАВТОМАТИКА» трестининг Тошкент монтаж бошқармаси учун тайёрлаб беради.

Бизнинг адрес: Фарғона шаҳри, «Октябрь 25 йиллиги» кўчаси, 55-уй. (6, 12, 14-автобусларнинг «Фертепосеть» бекати). Телефонлар: 4-48-12, 4-37-35.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Мультфильмлар. 11.00 — Киносаҳҳатчилар клуби. 12.00 — Концерт. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — А. Исаакян ижоди. 16.30 — Қиш шамоли (бадиий фильм, 2-қисм). 17.45 — Ихтирочи. 18.15 — Ёшлар адреслари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 Олий ўқув юртлари ва техникумларда янги ўқув йили бошланишига бағишланган кўрсатув. 19.55 — Жаҳон халқларининг ижоди. 20.40 — У. Теккерий. «Кибру-ҳаво бозори» (фильм-спектакль). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.55 — Москва концерт заллари бўйлаб.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Мультфильм. 11.50— Хайр, пионер ёзи. 12.30 — Камолот сари (бадиий фильм). 14.00 — Қувноқлар даврасида. 18.30 — Қўғирчоқ фильм. 18.50 — Ёз хотиралари. 19.15 — Идеология ва ҳаёт (тележурнал). 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Музикали программа. 20.20 — Янги ўқув йилингиз қутлуғ бўлсин! 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — «Ахборот». 21.20 Ғазал кечаси. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Механизаторларнинг марраларй — 3 миллион тонна! 22.50 — Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Вернер Холтнинг саргузаштлари (бадиий фильм, 1-серия). 20.25 — Ҳужжатли фильм. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Қўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 21.25 — Телефильм-портрет.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Жиноят — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 13, 15, 17, 19, 21), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун).

Сўнгги қурбон — САНЪАТ САРОЙИ (19.45, 21.15), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 19.40), «МОСКВА» (11, 12.30, 14, 16, 18, 19.30, 21.15), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечкурун).

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1 СЕНТЯБРДА 1977 йил учун

БЮДЖЕТЛИ ОБУНА БОШЛАНАДИ

Баъзи бир марказий ва республика журналларининг нархи ўзгарганлиги муносабати билан обунани 1977 йил каталоги бўйича расмийлаштиришни сўраймиз.

Ўзбекистон ССР Алоқа министлигининг,

«СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Фарғона область маданият бошқармасининг бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ж. Бекмуродовга ўғли

Улмас БЕКМУРОДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий ваколатхонаси коллективи Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доимий вакили Р. С. Қосимовга отаси

Сулаймон ҚОСИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎША-ЎША ПЕШҚАДАМЛАР

Футбол

Биринчи лига командалари учун чемпионлик олтин медалларига тенг қўш йўлланма даъвогарлари тур сайин сараланиб бормоқда. Икки ойча олдин бундай даъвогарлар 7-8 та эди. Ҳозир эса «оломон пойга»да шитоб билан илгарилаб бораётган коллективлар тўртта. Шунинг учунми, спорт ишқибозлари уларнинг ҳар бир ўйинини диққат билан кузатиб боришмоқда. Галдаги тур учрашувларининг эртасига эрталабданоқ футбол мухлислари «Қайрат» қандай ўйнабди?», «Нефтчи» билан «Таврия» иштирокидаги учрашувлар нима бўлди?» деган саволлар билан редакциямизга мурожаат қилишларининг боиси ҳам шунда.

Ўтган куни турнир жадвалининг юқори қисмидан жой олган командаларнинг тўртови ҳам сафарда ўйнади. «Нефтчи», «Таврия» ва «Пахтакор» командалари мўлжалдаги очконинг ярмисини қўлга киритишган бўлса, «Қайрат» Ашхободдан қўп-қурук қайтди. Қозоғистонлик футболчилар дарвозасига 23 ўйинда ўн иккитагина, яъни ўрта ҳисобда ҳар икки ўйинда биттадан тўп киритилган бўлса, бу сафар уларни «Колхозчи» командаси йирик ҳисоб (5:2) билан енгди.

Тошкентлик пахтакорчилар Душанба шаҳрида маҳаллий «Помир» билан куч синашдилар. Томонларнинг турнир жадвалидаги мавкеида ҳам, маҳорати ва тўплаган очкоси ўртасида ҳам фарқ катта эди. Шунга қарамай, тожикистонлик футболчилар ўз майдонларида ҳужумга зўр беришлари турган гап. Зеро, пешқадамни доғда қолдиришни ким истамайди дейсиз? Учрашувнинг «зангори экран» орқали олиб кўрсатилган иккинчи ярмига қараганда ўйин кўпроқ мезбонлар устунлигида ўтди. Ҳимоячилар, энг аввало дарвозабон Н. Любарцевнинг ҳушёрлигигина тошкентликлар дарвозаси дахлсизлигини таъминлай олди. Пахтакорчиларнинг орачора қарши ҳужумга ўтишлари эса натижа бермади. Анчагина қизиқарли ўтган учрашувда ҳисоб очилмай қолди. Яна уч матчда — «Даугава» — «Таврия», «Нистру» — «Нефтчи», «Спартак» (Ивано-Франковск)— «Торпедо» учрашувларида ҳам шундай бўлди. Бундан кўриниб турибдики, пешқадамлар қаторида ўзгариш йўқ. Жадвалнинг дастлабки уч поғонасини «Нефтчи» (37 очко), «Таврия» (35 очко) ва «Пахтакор» (34 очко) эгаллаб турибди.

Қолган учрашувлар эса қуйидагича якунланди: «Кузбасс» — «Терек» — 4:1, «Шинник» «Кубань» — 1:0. «Звезда» — «Спартак» (О) — 3:1, «Металлург» — СКА (Ростов) — 2:0, «Рубин» — «Эльбрус» — 4:1.

«Пахтакор»нинг навбатдаги учрашуви 8 сентябрда Грозний шаҳрида маҳаллий «Терек» командаси билан бўлади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142

Р. 03533. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 203.